



XASR

IJTIMOIY-SIYOSIY GAZETA

Gazeta 2004-yil 1-yanvardan chiqqan boshlagan

TADBIRKORLAR VA ISHBILARMONLAR HARAKATI – O'ZBEKISTON LIBERAL-DEMOKRATIK PARTIYASI HAFTALIK NASHRI

2016-YIL 22-DEKABR, PAYSHANBA, 54 (686)-SON

e-mail: xxi_asr@mail.uz, web sayt: www.21asr.uz

САМИМИЙ ҚУТЛОВЛАР

Мамлакатимизда 2016 йил 4 декабрь куни бўлиб ўтган сайловда Шавкат Мирзиёев Ўзбекистон Республикаси Президентини этиб сайлангани муносабати билан хорижий давлатлар ва ҳукуматлар, халқаро ташкилотлар раҳбарлари, хорижий мамлакатларнинг таниқли жамоат арбобларидан самимий тилаклар билдирилган қутловлар келмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Жаноби Олийларига

Ассалому алайкум ва раҳматуллоҳу ва барокатуху Жаноби Олийлари! Сиз, Жаноби Олийларига Ўзбекистон Республикаси Президентини этиб сайлангани билан самимий табриқларимни йўллашдан беҳад мамнунман. Сизга шу муносабат билан ўз номидан, Иордания Ҳошимийлар Подшоҳлиги халқи ва ҳукумати номидан энг эзгу тилақларимни билдираман. Мамлакатларимиз ва халқларимизнинг умумий ман-

фаати йўлида давлатларимиз ўртасидаги муносабатлар ва ҳамкорликни ривожлантириш, шунингдек, ислом ҳамжамиятига хизмат қилиш ва бутун дунёда хавфсизлик ва барқарорликни мустаҳкамлашга тайёр эканлигимизни тасдиқлайман. Жаноби Олийлари, Сизга мустаҳкам сийҳат-саломатлик, Ўзбекистон халқига улкан муваффақиятлар ва фаровонлик тилайман.

Абдуллоҳ II бин ал-ҲУСАЙН, Иордания Подшоҳи

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Жаноби Олийларига

Ассалому алайкум ва раҳматуллоҳу ва барокатуху Жаноби Олийлари! Сизга Ўзбекистон Республикаси Президентини лавозимига киришгани билан муносабати билан ўзининг самимий табриқларимни йўллаш менга беҳад мамнуният бағишлайди.

Сизга масъулиятли фаолиятингизда улкан муваффақиятлар тилайман, келажақда дўстлигимиз ва ҳамкорлигимиз янада мустаҳкамланишига умид қиламан.

Эзгу тилақлар билан, Ҳожи Ҳасанал БОЛКИЯҲ, Бруней Доруссалом Султони

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Жаноби Олийларига

Жаноби Олийлари! Сизни яқинда бўлиб ўтган Ўзбекистон Республикаси Президентини сайловда ишончли ғалаба қозonganингиз ва Президент этиб сайлангани билан муносабати билан самимий табриқларимни қабул қилгайсиз.

ватлаганидан далолатдир. Сизнинг фаолиятингиз давомида Молдова Республикаси билан Ўзбекистон Республикаси ўртасидаги ҳамкорлик мамлакатларимиз фаровонлиги йўлида ҳар томонлама ривожланишига аминман. Сизга масъулиятли фаолиятингизда улкан ютуқ ва муваффақиятлар, Ўзбекистон халқига тинчлик ва фаровонлик тилайман.

Жаноби Олийлари, Сизга бўлган юксак ҳурматимни қабул қилгайсиз. Николае ТИМОФТИ, Молдова Республикаси Президенти

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Жаноби Олийларига

Мухтарам жаноб Президент! Сизни Ўзбекистон Республикаси Президентини этиб сайлангани билан Исроил ҳукумати номидан муборакбод этишга ижозат бергайсиз. Сизга мамлакатингизни тараққиёт ва фаровонлик йўлида янада ривожлантиришда улкан муваффақиятлар тилайман.

қулай вақтда Исроилга ташриф билан келишга таклиф этаман. Ташрифингиз давомида Қуддус шаҳрида Сизни қутлаш ва мамлакатларимиз ўртасидаги дўстлик муносабатлари ҳамда ҳамкорликни ривожлантириш иштиқболларини муҳокама қилиш менга мамнуният бағишлайди.

Ҳурмат билан, Биньямин НЕТАНЬЯХУ, Исроил Давлати Бош вазири

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Жаноби Олийларига

Жаноб Президент! Сизни Ўзбекистон Республикаси Президентини этиб сайлангани билан чин дилдан самимий табриқлашга рухсат бергайсиз.

Сизга бўлган юксак ҳурмат ва эҳтирอมимни қабул қилгайсиз. Рауль КАСТРО РУС, Куба Республикаси Давлат Кенгаши ва Вазири Кенгашининг Раиси

Шунингдек, куйидагилар ўз қутловларини йўлаган:

Иордания Ҳошимийлар Подшоҳлиги Бош вазири, муҳофаа вазири – Хани ал-Мулки

денти, Парламент маслаҳатчилар палатаси депутаты – Ренхо

Европарламент депутаты, "Европа Иттифоқи – Ўзбекистон" парламент ҳамкорлиги бўйича делегация раҳбари ўринбосари – Улрике Мюллер

"Комейто" партияси президенти (Япония) – Нацуо Ямагучи

"Эйрбас Хеликоптерс" компаниясининг катта вице-президенти, Европа бўйича раҳбари – Оливьер Мишалон

"НЕК" корпорацияси директорлар кенгаши раиси – Нобухиро Эндо

Япония Демократик партияси президенти, Парламент маслаҳатчилар палатаси депутаты – Ренхо

"Инжиниринг Доберсек" компанияси бош директори – Инг Альбин Доберсек

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ

ЎЗБЕКISTON RESPUBLIKASI ФУҚАРОЛАРИНИ МУДДАТЛИ ҲАРБИЙ ХИЗМАТГА НАВБАТДАГИ ЧАҚИРУВИ ҲАМДА БЕЛГИЛАНГАН ХИЗМАТ МУДДАТЛАРИНИ ЎТАБ БЎЛГАН ҲАРБИЙ ХИЗМАТЧИЛАРНИ ҚУРОЛЛИ КУЧЛАР РЕЗЕРВИГА БЎШАТИШ ТЎҒРИСИДА

"Умумий ҳарбий мажбурият ва ҳарбий хизмат тўғрисида" ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига мувофиқ:

1. Чақирилиш муддатини кечиктириш ҳуқуқига эга бўлмаган Ўзбекистон Республикасининг чақируви ёшидаги фуқаролари 2017 йилнинг февраль-март ойларида муддатли ҳарбий хизматга чақирилсин.

Муддатли ҳарбий хизматни ўташга яроқли ҳамда чақирилиш муддатини кечиктириш ва чақирилишдан озод этиш ҳуқуқига эга бўлмаган, бироқ ушбу чақируви мобайнида Қуроли Кучлар сафига чақирилмайдиган фуқаролар сафарбарлик чақируви резервиге олинсин.


2. Муддатли ҳарбий хизматнинг белгиланган муддатларини ўтаб бўлган ҳарбий хизматчилар 2017 йилнинг февраль-апрель ойларида Ўзбекистон Республикаси Қуроли Кучлари резервиге бўшатилинсин.

3. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Арипов ва Ўзбекистон Республикаси Президенти Ҳазратиди Хавфсизлик кенгашининг котиби В.Махмудов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент шаҳри, 2016 йил 21 декабрь

ФРАКЦИЯ ФАОЛИЯТИ



Устувор вазифалар ижросига барчамиз бирдек масъулмиз

O'zLiDeP Сиёсий Кенгаши Ижроия кўмитаси ва партиянинг Олий Мажлиси Қонунчилик палатасидаги фракциясининг навбатдаги кенгайтирилган йиғилиши бўлиб ўтди. Унда Шавкат Мирзиёевнинг Ўзбекистон Республикаси Президенти лавозимига киришиш тантанали маросимига бағишланган Олий Мажлис палаталарининг қўшма мажлисидаги нутқидан баён этилган устувор йўналишлар моҳияти ва уларни ҳаётга татбиқ этишда партия ва унинг парламент қўйи палатасидаги фракцияси олдида турган долзарб вазифалар муҳокама қилинди.

Фракция раҳбари Содиқжон Турдиев бошқарган йиғилишда Президентимиз маърузасида тилга олинган устувор вазифалар ҳар бир юрдошимиз ҳаётини манфаатлари билан ҳамбарчас боғлиқлиги таъкидланди. Унда ижтимоий-иқтисодий ҳаётимизнинг барча жабҳалари, жумладан, ҳуқуқий-демократик давлат, кучли фуқаролик жамияти қуриш, фуқаролар ҳуқуқ ва манфаатларини ишончли ҳимоя қилиш, иқтисодий янада ривожлантириш, ҳар бир оилани турмуш фаровонлигини ошириш, навуқрон авлодни ҳар жиҳатдан қўллаб-қувватлаш, хотин-қизларнинг оила ва жамиятдаги мавқеини юксалтириш ва жамиятда қонун устуворлигини таъминлаш каби

эзгу мақсадларга алоҳида эътибор қаратилган.

– Президентимизнинг ушбу маърузасида илгари сурилган гоёлар, фуқароларимизни йўлантираётган муҳим масалалар юзасидан айтилган асосли мулоҳазалар ҳамюртларимизнинг юрагига етиб борди, уларга кутаринки кайфият бахш этди, – деди Содиқжон Турдиев. – Бугун қайси бир ватандошимиз билан гаплашмайлик, уларнинг мамлакатимизда барча соҳаларда олиб борилаётган янги маърузага хос ислохотларга хайрихоҳ эканликларига гувоҳ бўламиз. Бу эса халқимизнинг келажаққа, эртанги кунга ишончи янада мустаҳкамланаётганини аналгадди.

Маърузада Биринчи Президентимиз Исроил Каримов бошлаб берган инсон манфаатлари устуворлиги, унинг ҳақ-ҳуқуқларини сўзсиз таъминлаш сиёсати изчил давом эттирилиши алоҳида қайд этилиши баробарида бир қатор устувор вазифалар, йўналишлар аниқ равшан белгилаб берилди. Уларнинг ҳар бирини ўз фаолиятимиздан келиб чиққан ҳолда, оғишмай бажариш эса фракциямиз аъзолари ҳамда вакиллик органларидаги депутатларимиздан, шунингдек, партия фаолларидан масъулият, ташаббус, ғайрат-шижонатни талаб этади. Бу, олдимизда турган вазифаларни қуруқ сўз ёки қоғозда эмас, ҳалоллик билан амалда бажаришни кўрсатиб турибди. Бир сўз билан айтганда, чуқур таҳлил таққосларга бой бўлган маърузада айтилган ҳаётини йўл-йўриқлар, таклиф ва мулоҳазалар ўз зиммамиздаги масъулиятли бурчини виждонан адо этиш, доимо одамлар орасида бўлиш ва уларнинг дарди билан яшашни тақозо этади. Ана шундагина халқ вакили деган юксак номга муносиб бўламиз.

Давоми 3-саҳифада

2017 ЙИЛ – ХАЛҚ БИЛАН МУЛОҚОТ ВА ИНСОН МАНФААТЛАРИ ЙИЛИ

Мулоқотнинг янги медиа шакллари

Тошкентда давлат ва жамоат ташкилотлари, Ўзбекистонда аккредитациядан ўтган дипломатик корпус ва халқаро ташкилотлар, оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирокида шу мавзуда учрашув бўлиб ўтди.

Тадбир Ўзбекистон электрон оммавий ахборот воситалари миллий ассоциацияси (ЎЗЭОАВМА) томонидан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати, Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази, Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси, ЮНЕСКОнинг мамлакатимиздаги ваколатхонаси ҳамкорлигида ташкил этилди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Раисининг биринчи ўринбосари С. Сафоев, Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази директори

А. Саидов, ЮНЕСКОнинг мамлакатимиздаги ваколатхонаси раҳбари К. Пиккат, Ўзбекистон электрон оммавий ахборот воситалари миллий ассоциацияси бошқаруви раиси Ф. Абдухолиқов, Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси директори А. Хўжаев ва бошқалар Ўзбекистонда кучли фуқаролик жамиятини ривожлантиришга қаратилган изчил ислохотлар оммавий ахборот воситалари фаолиятини янада такомиллаштиришни тақозо этишини таъкидлади.

Президентимиз Шавкат Мирзиёев

Давоми 2-саҳифада

Элда эъзоз топмоқ бахти

– Жаннатмонанд юртда яшаймиш, – дейди Навоий кон-металлургия комбинати Жанубий кон бошқармаси хотин-қизлар кўмитаси раиси, "Маржонбулок" олтин кони корхонасидаги O'zLiDeP бошланғич ташкилотчи раиси Муҳаббат Саидхонидова. – Тупроқдан зар унади. Бугун қўчат эксанг, эртага мева тугади. Мутахассисларнинг таъкидлашича, Менделеев даврий жадалидан ўрин олган барча моддалар Ўзбекистон тупроғида мавжуд экан. Бироқ олтин оломлардан-да қадрлироқ энг катта бойлигимиз бу, албатта бағрикенг, меҳнаткаш, меҳмондўст халқимиздир.

Давоми 4-саҳифада

Қутловлар келиши давом этмоқда.

ЖАМИЯТ

Таҳлилий ва танқидий ёндашув зарур

✓ O'zLiDeP Siёсий Кенгаши Ижроия қўмитаси ва партиянинг Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракциясининг навбатдаги кенгайтирилган мажлиси бўлиб ўтди. Унда Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг мамлакатимиз Конституцияси қабул қилинганининг 24 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузасининг мазмун-моҳияти атрофлича муҳокама қилиниб, галдаги устувор вазифалар белгилаб олинди.



тўхталиб, инсон манфаатларини ишончли таъминлаш жараёнида фаол иштирок этиш фаолиятининг муҳим йўналишларидан эканини таъкидлашди.

— Янги давр, табиийки, ҳар биримизнинг олдимизга янги талабларни қўймоқда, — деди мунозарада сўзга чиққан O'zLiDeP Тошкент шаҳар кенгаши раиси Тўрабек Назаров. — Шундай экан, мазкур қайноқ жараёнда фаол қатнашиб, электротат манфаатларини сўзда эмас, амалда таъминлашимиз керак. Зотан, сиёсий партияни аҳолига яқинлаштирадиган, нуфузини оширадиган энг муҳим восита, бу — инсонлар манфаатларини ҳимоя қилиш ва жамоатчилик ишончини қозонишдир. Ушбу вазифаларни самарали амалга ошириш эса барчамиздан ишни тўғри ташкил этиш, фаолиятимизни қайтадан ларни бевосита тартибга солишдаги ролини ошириш давр талаби эканлигини таъкидлашди, бу борада ўз фикр ва мулоҳазаларини баён этишди.

— Қонуннинг кучи унинг ижросида акс этганидек, биздан ҳам ўз навбатида қабул қилинаётган қонунлар ижросини таъминлашнинг ҳуқуқий механизмларини ўз вақтида яратиш талаб этилаётди, — деди O'zLiDeP фракцияси аъзоси Рустам Қобилов. — Бу эса парламентда энг кўп ўринга эга бўлган фракцияимиз зиммасидаги вазифалар кўламини янада кенгайтиради. Эндиликда қабул қилинаётган қонунларга муносабат билдирар эканмиз, унинг ижро механизми бўйича ҳам аниқ тақлиф ва тавсияларни тайёрлашимиз шарт. Бу борада хориж тажрибасини ўрганиш асосида таҳлилий ва танқидий нуқтаи назардан ёндашимиз яхши самара беради.

Қариб икки соатга яқин давом этган қўшма йиғилишда депутатлар ва партия фаоллари томонидан эътироф этилдики, Президентимиз томонидан белгилаб берилган устувор вазифаларнинг халқ манфаатларига хизмат қилишини таъминлаш ҳар биримиздан фидоийлик ва ўз ишига масъулият билан ёндашимиз тақозо этади. Зеро, бугун кечагидек ишлаб бўлмайдим.

Йиғилиш якунида кўриб чиқилган барча масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

Акбар МУЗАФФАРОВ,
"XXI asr" мухбири



Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Бюджет ва иқтисодий ислохотлар қўмитаси раиси, O'zLiDeP фракцияси аъзоси Аҳдхам Шодмонов сўзга чиқиб, Бош қўмисимиз мамлакатимизда эркин бозор иқтисодиёти ва хусусий мулк устуворлигига асосланган демократик давлат қуриш борасидаги ислохотларга мустаҳкам пойдевор бўлганлигини таъкидлади.

— Инсонни қадрлаш ва халқ фаровонлигини таъминлашда олдимиздаги вазифалар ҳақида маърузада билдирилган фикр-мулоҳазалар, ташаббус ва фикрлар ҳар биримиз учун ўзига хос дастуриямал вазифасини ўтайди, — деди А. Шодмонов. — Айниқса, парламент ва жамоатчилик назоратининг таъсирчан механизмларини шакллантириш мақсадида сенатор ва депутатлар жойлардаги ислохотлар жараёнини ўрга-

ниб, ўз хулосаларини бериб бориши тизимнинг жорий этилгани тараққиётимизда муҳим аҳамият касб этиши шубҳасиз. Чунки, фуқаро ҳал этилмаган муаммоларига ўзи сайлаган депутат орқали ечим топилишига ишонади. Сайловчи бу борада ҳақ экани қонунларимизда ҳам ўз аксини топган. Эндиликда мазкур ишларни самарали амалга ошириш учун жойлардаги партия тузилмалари ва маҳаллий кенгаш депутатлари билан алоқаларни янада мустаҳкамлаб, ҳамжиҳатликда ишлашимиз лозим. Шундагина, Президентимиз илгари сурган "Халқ давлат идораларига эмас, давлат идоралари халқимизга хизмат қилиши керак", деган тамойил ҳаётда ўз ифодасини топади.

Йиғилиш иштирокчилари бу борада партияимиз олдида турган устувор вазифаларга ҳам

Мулоқотнинг янги медиа шакллари

« Давом. Бошланғич 1-сакрифада

Бу борада Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловига тайёрлик кўриш ва уни ўтказиш жараёнининг очиқлиги ва ошқоралигини таъминлаш мақсадида ташкил этилган "Press Klub: Saylov.uz — 2016" муваффақиятли лойиҳалардан бирига айланди.

Пресс-клуб қисқа муддатда давлат ва жамият ўртасидаги мулоқотни таъминлашнинг янги усулларини акс эттириб, миллий ва хорижийлик экспертлар, журналистлар ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентини сайлов кампанияси жараёнини кузатиш учун келган халқаро кузатувчилар томонидан юқори баҳоланди.

Тадбирда пресс-клуб фаолиятини доимий йўлга қўйиш халқ билан мулоқотни янада яхшилаш, мамлакатимиздаги ижтимоий-сиёсий, социал-иқтисодий ислохотларни инновацион усуллардан кенг фойдаланган ҳолда тезкор ва холис ёритиб боришга хизмат қилиши таъкидланди. Бу ахборот-коммуникация технологиялари шиддат билан тараққий этаётган ҳозирги даврда оммавий ахборот воситаларининг жамият ва давлат ҳаётида тутган ўрни ва мавқеини янада мустаҳкамлашга хизмат қилади.

Бехзод БОЗОРОВ,
ЎЗА мухбири

Янги йил байрами

Байрамолди ярмаркалари гавжум

Навоий вилоятида байрамолди қишлоқ хўжалик ва озиқ-овқат маҳсулотлари ярмаркалари ўтказилмоқда.


Навоий шаҳридаги марказий деҳқон бозоридан иш бошлаган байрамолди ярмаркаси харидорлар билан гавжум. Арзонлаштирилган нархдаги сифатли маҳсулотлар аҳолига манзур бўлмоқда.

— Янги йил арафасида анъанавий тарзда ташкил этилаётган байрамолди ярмаркалари аҳолига катта қулайлик яратмоқда, — деди Навоий шаҳридан Шуқур Абдуллаев. — Байрам дастурхони учун зарур бўладиган барча озиқ-овқат маҳсулотлари ярмарка расталарида бор. Нархлар ҳам арзон, маҳсулотларнинг сарасини танлаб олишингиз мумкин. Пластик қарточкаларда харид қилиш имконияти ҳам яратилган.

Вилоят туман ва шаҳарларидаги ярмаркаларга гўшт, тухум, асал, сут ва сут маҳсулотлари, шунингдек, турли цитрус мевалар белгиланган режа асосида етказиб берилмоқда.

Н.РАҲИМОВ,
ЎЗА мухбири

Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партияси Сиёсий Кенгаши Ижроия қўмитаси Аёлларнинг сиёсий фаоллиги, жамиятдаги ўрни ва мавқеини ошириш бўлими томонидан Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 24 йиллигига бағишланган тантанали йиғилишдаги "Қонун устуворлиги ва инсон манфаатларини таъминлаш — юрт тараққиёти ва халқ фаровонлигининг гарови" маърузасидан келиб чиқиб, O'zLiDeP "Аёллар қаноти"нинг долзарб вазифаларига бағишланган давра суҳбати ташкил этилди.

"АЁЛЛАР ҚАНОТИ":
вазифалар белгилаб олинди

Унда партия Тошкент шаҳар ва туман Кенгашлари раисларининг аёллар масалалари бўйича ўринбосарлари, партия "Аёллар қаноти" фаоллари ҳамда тадбиркор хотин-қизлар иштирок этишди.

Тадбирда иштирокчилар давлатимиз раҳбарининг маърузасини атрофлича муҳокама қилиш билан бир қаторда аҳоли, партия электорати, айниқса, жойларда хотин-қизлар билан ишлаш самарадорлигини янада ошириш борасидаги амалий ишлар тўғрисида фикр алмашишди.

Таъкидланганидек, инсон манфаатларини ишончли таъминлаш жараёнида фаол иштирок этиш партия фаолиятининг муҳим йўналишларидан бири, "Халқ давлат идораларига эмас, давлат идоралари халқимизга хизмат қилиши керак" деган ҳаётини тамойил эса саъй-

ҳаракатлар дастуриямалли бўлиши лозим.

Мулоқот жараёнида мазкур тамойил асосида "Аёллар қаноти" фаоллари 2017 йилда аҳоли билан мулоқот қилишнинг самарали тизимини йўлга қўйиш, хусусан, чекка ҳудудлардаги аёлларнинг фаоллигини ошириш, уларнинг эҳтиёжларини ўрганган ҳолда янги лойиҳалар, кўрик-танловлар, ўқув-семинарларни ташкил этиш борасидаги қатор тақлифларни ўртага ташлаб, галдаги муҳим вазифаларни белгилаб олишди.

— "Соғлом она ва бола йили" давлат Дастури ижросини таъминлаш бўйича партия томонидан қатор намунали ишлар амалга оширилди, — деди партия Мирзо Улугбек туман Кенгаши раисининг Аёллар масалалари бўйича ўринбосари Нодира Маматова. — Хусусан, "Соғлом она — мустаҳкам оила" лойи-

ҳаси доирасида ҳудудларда хотин-қизлар саломатлигини мустаҳкамлаш, она ва бола саломатлигини таъминлашга қаратилган бепул тиббий кўриklar ўтказилди. Кириб келаётган янги 2017 йилнинг Президентимиз ташаббуси билан "Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили" деб номланиши зиммамизга катта масъулият ўқлайди. Бу борада хотин-қизлар фаоллигини оширишга қаратилган саъй-ҳаракатларимиз кўламини кенгайтиришимиз, яъни аёлларимиз муаммоларидан доимо хабардор бўлиш мақсадида ҳудудларда мунтазам равишда очик мулоқотлар ўтказиб боришимиз керак бўлади.

Давра суҳбати нҳиясида билдирилган мулоҳаза, тавсия ва тақлифлар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

O'zLiDeP Матбуот хизмати

Мулоқот, дилдан суҳбат қуриш эзгу ва гўзал туйгулар чашмалари кўзини очади, дил дилга пайванд бўлиб, яхшиликка, бунёдкорликка йўл очади.

Эътироф
ҳикмати

Халқ билан мулоқот аслида қандай бўлиши кераклигини, унинг шакли шамойили, пировард натижа ва самарасини давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёев Самарқанд вилоятида ҳоким бўлиб ишлаган пайтида-ёқ амалда аниқ ва тиниқ кўрсатган эди. Ҳудудлардаги ижтимоий-иқтисодий аҳволни ўрганиш ва уларнинг таҳлилига бағишланган йиғилишлар очик мулоқот тарзида барча шаҳар ва туманларда ўтказилар эди.

Хусусан, 2002 йилнинг 27 январ куни Пастдаргом туманида ўтказилган йиғилишни яхши эслайман. Вилоят ҳокими ушбу суҳбатнинг мақсад-муддаоси ҳақида тўхталар экан: "Қўлаб маҳаллаларни айланиб чиқдик, оддий одамлар билан суҳбатлашдик, муаммолар ҳақида тасавуurlаримиз бор. Бироқ туман раҳбарларининг бу ҳақдаги фикрлари қандай? Келинлар, йиғилишни маърузабозлик қилмасдан, жонли мулоқот тарзида ўтказасан. Маслаҳатлашиб, муаммолар ечимини биргаликда ҳал қилсан, нима дейсизлар?" дея йиғилганларга мурожаат этди.

Бу тақлиф ҳаммага маъқул бўлса-да, негадир залга жимлик чўқди, ҳеч кимдан акс-садо чиқмади. Вилоят раҳбари юқоридagi тақлифини яна бир бор такрорлади. Яна жимжитлик, сукут...

Шу пайт у киши кутилмаганда: "Демак, сизларда ҳеч қандай фикр йўқ, ёрдам ҳам керак эмасга ўхшади, бундан чиқди, йиғилишимиздан маъни йўқ шеклили", деди-да, кетишга чоғланди.

Ушунда туман Халқ таълими муассасалари фаолиятини методик таъминлаш ва ташкил этиш бўлимининг раҳбари бўлиб ишлаётган Барот Аммиров ўзида журъат топиб, вазиятга ўзгартиш киритди:

— Шавкат Мироновиҳа, ечимини кутиб турган масалаларимиз кўп, тақлифларимиз ҳам бор, фақат одамларимиз бироз тортиниб туришибди, — деди ва таълимга тааллуқли муаммони айтиб, кўмак сўради.

Аслида шу мақсадда таътир фаолиятнинг биринчи раҳбарига унинг бу хатти-ҳаракати маъқул тушди ва кўтарган масалалари ечим бўйича мутасадди ташкилотлар раҳбарларига топшириқлар берди, муаммо жойида ҳал бўлди. У кишидаги самимият ва рағбатлантирувчилик бир зумда залда ўтирган юзлаб инсонлар қалбига умидбахш қувонч ҳада этди. Барчанинг қўли дили очилди. Кимнингдир ёқилги муаммоси ечим топди, яна кимдир мактаб таъмири учун шифер ундирди, қайсидир йил созланадиган бўлди. Хуллас, қарийб тўрт соатга чўзилган мулоқот самимий тус олиб, юзлаб масалалар ҳал этилди. Буни ҳозирги кунларда ҳам нафақат пастдаргомлик ўша пайтдаги турли бугун раҳбарлари, балки туманнинг барча аҳолиси миннатдорлик билан эслаб юришди...

Раҳбарнинг одамлар олдида бориши, улар билан самимий мулоқотга киришиши халқнинг манфаатларига хизмат қилишига бундай ҳаётини воқеалар яққол мисол бўлади, десаам асло хато бўлмайдди. Шу жиҳатдан олим қараганда янги 2017 йил Президентимиз Шавкат Мирзиёев ташаббуси билан "Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили" деб эълон қилингани диққатга сазовордир.

Узоқ қишлоқда яшовчи аҳолидан "Қишлоғимизга туман ҳокими, вилоят ташкилотининг раҳбари ёки депутат келди, дардимизни эшитди, ҳозир амалий ёрдам бераёпти", деган гапларни эшитиш қандай мароқли. Қишлоқларда бундай гап-сўзлар яшин тезлигида тарқалади. Маъракаларда, кўча-кўйда суҳбат мавзусига айланади. Бир одамнинг кайфияти ўнга, ўиники юзга, юзники туманга ўтади. Кайфият — ҳаётдан мамнулик, ўтаётган кундан розилик, эртанги кунга ишонч демақдир. Кўнгил шодлиқлари кишига илҳом бағишлайди, янги марралар сари ундайди, истиқболга чорлайди. Мамлакатимиз Президентини ўз чиқишларида бунга алоҳида эътибор қаратаётгани, одамлар бугун шунини куттишмоқда, дея таъкидлаётгани боиси ҳам шунда.

Халқнинг ҳузурига бориш, одамлар билан мулоқотга киришиш ҳам осон эмас. Бунинг урдасидан ҳар ким чиқади, дейиш қийин. Мулоқот раҳбардан салоҳият, кенг мушоҳада, билим ва маҳорат, журъат талаб қилади. Халқ билан мулоқотдан тортинмаган раҳбар обрў топади, одамларнинг қалбига қиради, доврўқ қозонади. Ўзини олиб қочадиган, муаммоларга панжа орасидан қараётган, очик мулоқотга юраги дов бермайдиган раҳбарлар ҳам йўқ эмас. Зора, улар ҳам бугунги кун талабини тушуниб, иш "ўслуб"ларига ўзгартиришлар киритсалар...

O'zLiDeP ҳузурига "Халқ қабулхоналари" очилгани олқишга сазоворлигини минг-минглаб ҳамюртларимиз эътироф этишмоқда. Бу қабулхоналар халқимиз, уларнинг манфаатлари учун хизмат қилиши кишини қувонтиради, албатта. O'zLiDeP Самарқанд вилоят Кенгаши қошидаги Бош вазир қабулхонасига ўтган икки ойда 650 мулоқот ва фуқаронинг мурожаат қилгани ва шикоят, аризаларнинг аксарият қисми қонунчиликда белгиланган муддатда кўриб чиқилиб, ижобий ҳал этилгани эътиборга молик. Назаримда, бу рақамларни шарҳлашга, уларнинг ортдаги мамнуиятнинг изоҳланганидек, шаҳар ва туманларда ҳам бундай қабулхоналар ташкил қилинаётгани, уларнинг ҳуқуқий асослари белгиланаётганини қайд этиш ўринлидир.

Инсон меҳрга ташна. Ширин сўз — жон озиғи. Кишига эътибор кўнгилни ўстиради. Инсондан ҳол сўраш завоб. Баъзида бир оғиз калом билан киши димоғини чоғ этиш мумкин. Бировнинг мушуқли осон бўлишига озгина ҳисса қўшсангиз, унга нақадар катта қувонч бағишлайсиз. Халқнинг дардини эшитиш, унга шерик бўлиш, муаммоларини ҳал қилишда кўмак бериш эса бахт. Халқ дилидан ўтказган эътирофнинг ҳикмати шунда.

Амрилло АҲМЕДОВ,
O'zLiDeP Сиёсий Кенгаши аъзоси

МУНОСАБАТ

Устувор вазифалар ижросига барчамиз бирдек масъулмиз

« Давоми. Бошланчи 1-саҳифада
Раҳимжон ҲАКИМОВ,
Олий Мажлис Қонунчилик
палатасидаги
О'zLiDeP фракцияси аъзоси:



— Маърузада туман ва шаҳарларда ҳақиқий аҳолини ўрганиб, тегишли раҳбарларнинг ҳисоботини Халқ депутатлари худудий ва маҳаллий Кенгашлари сессияси муҳокамасига киритиш тартибини жорий этиш масаласи илгари сурилгани айтилди. Ушбу тақлифнинг ҳаётга татбиқ этилиши халқ манфаатлари, шу жумладан, тадбиркор ва фермерларнинг манфаатлари ҳам тўлароқ ҳимоя қилинишига хизмат қилади, аҳолининг давлат органларига ишончи янада ортади.

Кези келганда айтиш жоизки, биз — депутатлар ҳам йилнинг ҳар чорагида сайловчилар билан учрашувлар ўтказиб келмоқдамиз. Учрашувларда сайловчилар томонидан турли муаммо ҳамда ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришга оид тақлифлар билдирилмоқда. Маърузада айтилган тақлиф эса мавжуд муаммоларни ўша жойнинг ўзида ҳал этилиши ижроия ҳокимияти органи масъулияти ортишида дастуриламал вазифани ўтайди.

Дилшод ШОУМАРОВ,
О'zLiDeP Сийёсий Кенгаши Ижроия
қўмитаси раиси ўринбосари



— Президентимиз маърузасида кичик бизнес ва тадбиркорлик соҳасини қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш, мамлакатимиз иқтисодий қудратини мустаҳкамлашда бу соҳа улушини янада ошириш учун қулай шарт-шароитлар яратиш бериш вазифаси белгиланди. Партияимиз дастурига ҳамоҳанг бўлган ушбу вазифаларнинг ижросини таъминлаш юзасидан қатъий чора-тадбирлар режасини ишлаб чиқишимиз ва партиянинг 2015-2019 йилларга мўлжалланган ҳаракат дастурига киритишимиз лозим.

Қолаверса, электорат билан доимий мулоқот қилиш, уларнинг қонуний талаб ва тақлифларини амалга ошириш учун аниқ чора-тадбирлар кўриш зиммасига янада катта масъулият юклайди. Бу борадаги ишларни самарали ташкил этиш мақсадида партияимизнинг туман ва шаҳар бўлимларида ҳам “Халқ қабулхоналари”ни ташкил этиш ва тўлақонли фаолият кўрсатишини таъминлашга аҳамият қаратяпмиз. Яъни, уларнинг ваколат ва мажбуриятларини аниқ белгилаш, бирорта ҳам мурожаат эътиборсиз, жавобсиз қолмайдиган тизим фаолиятини йўлга қўйиш асосий вазифаларимиздан бири бўлиб қолади. Ана шундагина давлатимиз раҳбари ўртага ташлаган “Халқ давлат органларига эмас, балки давлат органлари халқимизга хизмат қилиши керак” деган ибратли тамойил ҳаётда ўз тасдиғини топади.

Одинахон ЖАМОЛДИНОВА,
Олий Мажлис Қонунчилик
палатасидаги
О'zLiDeP фракцияси аъзоси:



Шавкат Мирзиёевнинг “Ўзбекистон Республикаси Президенти лавозимига киришиш тантанали маросимига бағишланган Олий Мажлис палаталарининг қўшма мажлисида Ватанимизнинг келажаги учун жавобгарликни зиммасига олишга қўйиб, бугунги ва эртанги кунимизнинг ҳал этувчи кучига айланиб бораётган ёшлар масаласига алоҳида эътибор қаратилди.

Бу борадаги кенг қўламли ишларни давом эттириш, таълим-тарбия бўйича қабул қилинган умумий дастурларимизни мантиқий яқинида етказиш, тегишли вазирлик, идора, таълим муассасалари ва профессор-ўқитувчиларнинг масъулиятини ошириш масаласига алоҳида ургу берилди. Барчамизга яхши маълумки, меҳнат бозорига талаб қилинадиган ўрта маълумотли мутахассис ва юқори малакали кадрларни тайёрлашда касб-хунар коллежи ва олий ўқув юртлири муҳим ўрин тутди. Ҳар йили ўрта-маҳсус, касб-хунар таълими муассасаларини тамомлаётган 500 мингга яқин ёшларнинг маълум қисми олий ўқув юртлирида ўқишни давом эттиришда, аксарияти эса кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йўналишида фаолият олиб боришни мақсад қилмоқда. Чунки амалдаги қонунчилигимизда ёшларни тадбиркорликка йўналтириш, иш билан таъминлаш ва уларга имтиёзли кредитлар ажратишнинг ҳуқуқий қарорлари таъминланган. Қу-

вонарлиси, йилдан-йилга республикаимиздаги тижорат банклари томонидан касб-хунар коллежлари битирувчиларига ажратилган имтиёзли кредитлар салмоғи ортиб бораёттир.

Давлатимиз раҳбари ўз маърузасида бу йўналишдаги ишлар ҳали етарли эмаслиги, тижорат банклари ва уларнинг жойлардаги филиаллари ўз имкониятидан келиб чиқиб, ҳар бир фуқарога ўзининг қобилияти ва салоҳиятига яраша шароит ва имконият яратиб бериши лозимлигини алоҳида таъкидлади. Шу ўринда, биз фракция аъзолари ҳам партияимизнинг Сайловдиди дастурида белгиланган устувор мақсадларидан келиб чиқиб, бу борадаги вазифаларимизни белгилаб олишимиз лозим.

Шу боис қўйидаги масалаларга алоҳида эътибор қаратиш мақсадга мувофиқ деб ўйлаймиз. Биринчидан, аҳоли, айниқса, ёшларда тадбиркорликка оид билим, кўникма ва малакаларни шакллантиришга қаратилган қисқа ўқув курси, семинарлар ташкил этиш, бунда қишлоқ ва маҳалла фуқаролар йиғинлари мутаассадларининг масъулиятини ошириш айтилди.

Иккинчидан, худудларнинг ижтимоий-иқтисодий ҳолатини ўрганиш бўйича жойларга чиқилганда касб-хунар коллежларида ёшларнинг тадбиркорликка оид билимларини, мавжуд имтиёزلардан хабардорлик даражаси, давлат таълим стандартлари, ўқув режаси, дастури, дарслик ва қўлланмалари бугунги кун талабига қай даражада жавоб бериши, тадбиркорлик ва бизнес асослари фанининг ўқитилиш ҳолати мазкур фандан даре бераётган ўқитувчиларнинг малакасини аниқлаш лозим.

Учинчидан, олий ўқув юртига кира олмаган академик лицей битирувчиларининг бандлигини таъминлаш, уларда тадбиркорлик кўникмаларини шакллантириш механизминини ишлаб чиқиш қабиладар шунлар жумласидандир. Ушбу масалаларни чуқур ўрганиш асосида аниқ, асосли тақлифларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш жорий этиш депутатлардан алоҳида фаолликни талаб этади.

Мухлиса АКРАМОВА,
О'zLiDeP Сийёсий Кенгаши Ижроия
қўмитаси раиси ўринбосари:



— Давлатимиз раҳбари ўз нутқида: “Яратганинг бебаҳо мўъжизаси бўлган азиз аёлларимиз, қадрли оналаримиз, меҳрибон рафиқаларимиз, мунис опа-сингилларимиз, сеvimли қизларимиз



ва набираларимиз ҳаётда бизга барча тўсиқларни енгиб ўтиш, олдимизга қўйган мақсадларимизга эришиш йўлида доимо ғамхўрлик қилиб, ҳамма чексиз ишонч, куч ва мадад берадилар. Сизларнинг оналик меҳрингиз ва саховатингиз, аёллик тароватингиз ва меҳр-оқибатингиз учун биз сизлардан умрбод қарздормиз”, дея таъкидлади. Қалбларимизни фахр-ифтихорга тўлдирган ушбу самимий сўзларни эшитиб аёлларини унглаб ардоқлаб яшайдиган халқнинг вакиласи эканимдан бениҳоя қувондим.

Таъкидлаш жоизки, истиқлол йилларида хотин-қизларга алоҳида эътиром, эътибор кўрсатилди. Шу боис, бугун ўзбек аёли ҳар жабҳада фаол, бахтли ҳаёт кечирмоқда. Соғлом, баркамол авлодни тарбиялаб, воғда етказмоқда. Партияимиз сафида фаолият юритаётган аёллар ҳам О'zLiDeP ғояларини кенг тарғиб қилиш, мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг қўламли ислохотларда фаол иштирок этишга интилишмоқда. Улар фаолиятини рағбатлантиришга қаратилган қатор лойиҳа, кўргазма ва кўрик-танловлар мунтазам ташкил этилмоқда.

Айни пайтда опа-сингилларимизнинг оғирини енгил қилиш учун уларга ҳар томонлама имконият яратиш, хотин-қизларнинг ижтимоий-сийсий ҳаётимиздаги ўрни ва нуфузини ошириш борасида партияимиз томонидан ишлаб чиқилган “Ишбилармон аёл”, “Оилавий тадбиркорликдан — мустаҳкам оилага”, “Фермер аёллар”, “Соғлом оила — мустаҳкам оила” номли йирик лойиҳаларни янги ғоялар билан бойитиш бўйича иш олиб бораёпмиз. Қолаверса, жойларда тарғибот-ташвиқот ишларини янада кучайтиришга эътибор қаратаёпмиз. Мақсад — чекка туман ва қишлоқларда яшайдиган опа-сингилларимизни ҳам қамраб олишдан иборат. Албатта, бунда партия фаоллари, маҳаллий

Кенгашларга партияимиздан сайланган депутат аёллар, тадбиркор ҳамда фермер опа-сингилларимизнинг кўмағига таянамиз.

Соҳибжон ИСМОИЛОВ,
Олий Мажлис Қонунчилик
палатасидаги
О'zLiDeP фракцияси аъзоси



— Бугун кечагидек яшаб ҳам, ишлаб ҳам бўлмайдим. Янги кун фаолиятимизга янги ҳаётнинг таърифи тақозо этилмоқда. Шундан келиб чиққан ҳолда Сановат, қурилиш ва савдо масалалари қўмитаси фаолияти йўналишидаги амалдаги 29 та қонунни бугунги кун талабидан келиб чиқиб, инвентаризация қилишни белгилаб олди.

Вазирлар Маҳкамасининг Олий Мажлисида доимий асосда фаолият кўрсатадиган вакили лавозими таъсис этилиши муносабати билан қонун ижодкорлиги ва назорат-таҳлил фаолияти масалаларида янги ҳаётнинг таъминлаш, асосий эътиборни энг қуйи бугун билан ишлашга қаратиш лозим. Зеро, ҳар бир соҳага оид қабул қилинган қонун ва меъёрий ҳужжатлар ижроси тўлиқ таъминлансагина, ҳар жабҳада тараққиёт бўлади, аҳоли фаровонлиги ортади.

Асосий вазифамиз хусусий мулк ва мулкдорлар ҳимоясини янада кучайтириш бўлиб қолаверса, бу борада ечимини кутаётган масалалар бисёр. Қуйидаги

рақамларга эътибор беринг: 2016 йилнинг биринчи ярмида мамлакатимизда жами 16 мингдан зиёд кичик бизнес субъекти рўйхатга олинган бўлса-да, шу даврда уларнинг 11 мингдан ортиғи фаолиятини тугатган. Бу жуда жиддий масала.

Шундай экан, ушбу қатлам манфаатларини ифода этаётган, ислохотлар натижаси учун масъулиятни ўз зиммасига олган О'zLiDeP аъзолари сифатида тегишли ҳуқуқ қўриқчиларимиз керак тўғрисида қўйилган тақлифларда соҳага оид муҳим қонунлар қабул қилинди. Бирок, аччиқ бўлса-да, тан олиш жоизки, жойларда уларнинг ижроси етарли даражада таъминланмапти. Аниқроқ айтганда, ушбу қонунлар мазмун-моҳиятини тадбиркорларга тўлиқ тушунирга олмаёпмиз.

Партияимиз билан бўлган қўшма ийгиликда давлатимиз раҳбарининг маърузасида қайд этилган устувор вазифалардан келиб чиқиб, бу борада партия ва фракцияимиз олдида турган долзарб вазифаларни атрофлича муҳокама қилдик ҳамда келгусидаги аниқ ва мақсадли вазифаларни белгилаб олдик.

Мухтасар айтганда, ишчанлик руҳида ўтган йилгида депутатлар ҳамда партия фаоллари томонидан кун тартибидagi масала юзасидан қўлаб фикр-мулоҳазалар, тақлифлар билдирилди. Ушбу вазифалар ижроси учун нафақат партия ва унинг Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракцияси, балки, барча фаоллар ҳам бирдек масъул эканлиги алоҳида таъкидланди. Тадбир якунида кўриб чиқилган барча масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

Норқобил ЖАЛИЛОВ,
Ақбар МУЗАФФАРОВ,
Солижон ЗОИРОВ (суратлар)



Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги Аграр ва сув хўжалиги масалалари қўмитаси ҳамда Ўзбекистон Фермерлари кенгаши ҳамкорлигида ташкил этилган тадбир Президент Шавкат Мирзиёевнинг Конституцияимизнинг 24 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузасидан келиб чиқадиган устувор вазифалар муҳокамасига бағишланди.

— Бугунги кунда фермерлик ҳаракати мамлакат иқтисодиётининг етакчи тармоғига, ишлаб чиқариш корхоналарининг асосий хомашё базасига, шунингдек, аҳоли турмуш даражаси ва сифатини ошириш, қишлоқни жадал ривожлантириш ҳамда бандликни таъминлашда муҳим аҳамият касб этмоқда. Давлатимиз раҳбари маърузасида бу борадаги ислохотлар қўламини кенгайтириш, ер ва сув ре-

Долзарб масалага бағишланди

сурсларидан оқилана фойдаланиш, соҳага илғор технологияларни жорий этиш муҳим масалалардан бири сифатида белгиланди, — дейди парламент куйи палатасидаги Аграр ва сув хўжалиги масалалари қўмитаси раиси, О'zLiDeP фракцияси аъзоси Тўлқин Эшназаров. — Бундан қўзланган асосий мақсад хорижий тажрибадан келиб чиққан ҳолда, юқори технологияга асосланган интенсив боғ ва узумзорлар барпо этиш, экспортга йўналтириладиган мева-сабзавот, озиқ-овқат ҳамда чорвачилик маҳсулотлари етиштиришни кўпайтириш, кейинги беш йилда мева-сабзавот маҳсулотларини қайта ишлаш ҳажминини ошириш, хомашёни, энг аввало, пахта

чуқур қайта ишлаш бўйича аниқ режаларни белгилаш ҳамда 2017-2020 йилларга мўлжалланган кўп тармоқли фермер хўжалиklarини ривожлантириш дастурини ишлаб чиқишни яқинида етказиб, қишлоқ жойларида кичик ишлаб чиқариш шохбчалари ва сервис хизматларини ташкил этишдир. Бу эса биринчи навбатда мамлакатимизда озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаб, соҳани изчил ривожлантиришга хизмат қилади.

Мажлисида билдирилган фикр-мулоҳазалар ва қўрилган масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

ЖАРАЁН

ДЕПУТАТ ВА ЖАМИЯТ

Элда эъзоз
топмоқ бахти

«Davomiy». Бошланиши 1-саҳифада

Самарқанд вилоятининг Жомбой туманида туғилган Муҳаббат опа тақдир тақозоси билан 17 йилдири, Маржонбулоқда истиқомат қилади. Ихтисослиги файласуф бўлгани учунми, ё ҳар қим ўзи яшайдиган гўшаси ҳақида фақат яхши гаплар айтишга иштиёқманд бўлганиданми, масканини таништирар экан, борини оширишга, йўғини яширишга уринади...

Тог ён бағрида жойлашган мўъжазгина кончилар шаҳарчаси бўлиши Маржонбулоқда бугунги кунда 7 минг 700 нафардан ортиқ аҳоли истиқомат қилмоқда. 2 та умумтаълим мактаби, 2 та мактабгача таълим муассасаси, ёшлар спорт мажмуаси ва бошқа маиший хизмат объектлари фаолият кўрсатяпти. Опанинг айтишича, O'zLiDeP фаолларининг ташаббуси билан ўтган йили ободонлаштириш ҳамда кўкаламзорлаштириш дастури доирасида шаҳарчага 17 минг дона манзарали ва мевали кўчат экилди, 5 минг квадрат метр ер кўкаламзорлаштирилди. Худуддаги кўплаб уйлар яқинда таъмирлангани эса шундоқ сезилиб турибди.

Муҳаббат опа ҳамшаҳарлари ҳақида сўз юритар экан, гап оҳангига касбига бўлган ифтихор ва гурур билан бирга, ўзлари истиқомат қилаётган масканини обод шаҳарчага айлантириш, муносиб турмуш кечериши учун одамларга шароит яратишга интилиш, мавжуд муаммолар ечимини топишга бўлган иштиёқ ҳам сезилиб турарди.

Юртимизда мустақиллик йилларида амалга оширилган туб ислохотларнинг ҳаётийлигини таъминлаган асосий омил ислохот учун эмас, инсон, унинг манфаатлари учун, деган тушунчанинг бош мезон қилиб олингани бўлди. Инсон манфаати асосий ўринга қўйилгани боис қатор муаммолар тўғрисида қолган шаҳарчамизда ҳам жиддий ўзгаришлар рўй бера бошлади. Бозор муносабатларининг шаклланиши ҳам одамлар дунёқарашига муайян ўзгаришларни талаб қиларди. Хусусан, боқимандалик кайфиятидан воз кечилди. Мутасадди ташкилотларга мурожаат қилиб, муаммолар ечимини топишга, одамларга муносиб ҳаёт кечеришлари, меҳнат қилишлари учун шароит яратиш беришга ҳаракат бошланди.

Эътиборлиси, шаҳарчаларнинг бугунги кўркем қиёфа касб этишида, аҳоли турмуши фаровонлашувида Муҳаббат опанинг ҳам камтарона ҳиссаси бор.

У инсоний фаолиятлари, касбий фаолияти ва партия сайловолди дастурида белгиланган вазибалар ижросига масъулият билан ёндашув, ғайрати билан доим сафдошларига ўрнак кўрсатяпти.

Эл манфаати учун жон куйдирадиган кишилар, албатта, сайловчилар ишончига сазовор бўлади. Бинобарин, 2014 йилнинг декабрь ойида парламент ва маҳаллий Кенгашларга бўлиб ўтган сайловда Ғаллаорол туманидаги 56-Ғубдин сайлов округидан Халқ депутатлари вилоят Кенгашига Ўзбекистон Либерал-демократик партиясидан кўрсатилган номзод Муҳаббат Саидхонмедова депутат этиб сайланди. Кучли давлатдан кучли фуқаролик жамияти сари собитқадамлик билан илгариланган мамлакатимизнинг ижтимоий-иқтисодий тараққиёти билан боғлиқ жараёнларда депутатлик назоратини олиб боришда Халқ депутатлари ҳудудий Кенгашлари депутатларига ҳам алоҳида масъулият юкланган. Зеро, одамлар ишончи — улкан масъулият демаскидир.

Муҳаббат опа депутатлик фаолияти давомида маҳаллий ҳокимлик ва бошқарув органлари мансабдор шахсларига эллиқдан ортиқ депутатлик сўрови билан мурожаат қилди. Мазкур сўровларнинг қирққа яқини ижобий ҳал этилди. Масалан, Маржонбулоқдаги қурилиш тугалланмаган уйлар битказилди, Лалмикор шаҳарчасидаги марказий болалар боғи ободонлаштирилиб, клуб таъмирланди, қишлоқ врачлик пунктида таъмирлаш ишлари бошланди. Бўстон, Кўтал қишлоқларидаги 18 ва 8-умумий ўрта таълим мактаблари тўлиқ таъмирдан чиқарилди, 73-умумий ўрта таълим мактабининг иссиқлик тизими созилди.

Бўстон қишлоғидаги мавжуд иккита кўприк ва авто-

мобил йўлининг ночор аҳволи ҳам опанинг эътиборидан четда қолмади. Уларни таъмирлаш ҳақида тегишли жойга депутатлик сўрови киритган эди, иккала кўприк ҳам қуриб битказилди, йўл таъмирланди. Партияимиз вакили саъй-ҳаракати туфайли шаҳарчадаги "Гавҳар", "Наврўз", "Марварид" маҳаллаларида болажонлар ўйингоҳлари бунёд этилди, Ғубдин қишлоғида янги қишлоқ врачлик пункти фойдаланишга топширилди. Худудда банк кредити ҳисобидан хусусий дорихона, тикувчилик цехи ишга туширилди. Албатта, булар ўз-ўзидан амалга ошаётгани йўқ. Бу борада кенг жамоатчилик, маҳаллий ҳокимият органлари ва маслаҳатдошларининг яқиндан ёрдами катта мадад бўлгани аён.

Кези келганда айтиш жоизки, Муҳаббат опа айна пайтда ўз сафига 151 нафар партия аъзосини бирлаштирган бошланғич партия ташкилотининг раиси ҳамдир. 2014 йили мазкур қўйи бўғин "Энг намунали бошланғич партия ташкилоти" танловининг республика босқичида фаол иштирок этиб, "Худуддаги ижтимоий-иқтисодий муаммолар ечими борасида депутатлик гуруҳлари билан фаол иш олиб борган бошланғич партия ташкилоти" номинатсияси ғолиби бўлди.

Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг Бош қомусимиз қабул қилинганнинг 24 йиллигига бағишланган маросимда сўзлаган маърузасини оила аъзоларим билан тингладик, — дейди суҳбатдошимиз. — У кишининг мана бу сўзларига эътибор беринг: "Яқинда бўлиб ўтган сайловолди учрашувларида мен бир нарсага амин бўлдим. Биз кейинги пайтда одамлар билан мулоқот қилишни унутиб қўйдик. Уларнинг ичига кириб, очиқ ва самимий гаплашиш, дардини эшитиш бизнинг фаолиятимизда, афсуски, охириги ўринга тушиб қолди". Тан олишимиз керак, бу гаплар — ҳақиқат. Ундан тегишли хулосалар чиқарган ҳолда бошланғич ташкилотимиз янги йилларида маслаҳатдошларимиз билан ҳар бир маҳалла, муассаса ва корхона билан алоқаларни янада яхшилашга алоҳида эътибор қаратяпмиз. Чунки жойлардаги муаммоларни дадил кўтариб чиқишда қўйи тузилма фаолларининг изланишлари алоҳида аҳамият касб этади. "Халқ қабулхоналари"нинг айнан сиёсий партиялар, жумладан, O'zLiDeP тизимида фаолият кўрсатиши мақсадга мувофиқ.

O'zLiDeP Жиззах вилоят Кенгаши ҳузурида Бош Вазир виртуал қабулхонаси фаолият кўрсата бошлагандан буён бошланғич ташкилотимиз аъзолари кўтариб чиққан муаммоларни умумлаштириб, 5 марта мурожаатнома жўнатдик. Уларда, жумладан, Маржонбулоқ шаҳарчасида янги қишлоқ врачлик пункти қуриш ва кўп хонадонли уйлардан бирини таъмирлаш, Лалмикор қўрғончасидан Маржонбулоқ шаҳарчасигача бўлган йўлни созлаш каби масалалар баён қилинган. Қувонарлиси, мазкур муаммоларнинг барчаси ижобий ечим топмоқда.

Суҳбат бошидан оқ дилда айланган аъзобанавий савол истихоло билан тилга кўчади:

— Иш, партияга оид фаолият, оила. Буларни баравар олиб бориш аёл киши учун оғирлик қилмайдами? — Тўғриси, бу ҳақда ўйлаб кўрмабман, — дейди Муҳаббат опа. — Чунки фаолиятим ва интилишларимнинг барчаси бир-бири билан узвий боғлиқ-да. Турмуш ўртоғим Ҳўрзобой Маматқўлов кўп йиллар кон қурилишида ишлаган. Ҳозир пенсияда бўлсалар-да, барча масалаларда менинг яқин суянчимим, маслаҳатдошим. Фарзандларимнинг камолини кўриб, шу юрда таъбиғатимдан ифтихор ҳисларини туюман. Катта ўғлим — Шайхулислом Малайзиянинг Манипал университетига компьютер муҳандислиги йўналиши бўйича таҳсил олаяпти. Бошқа фарзандларим ҳам мактаб, академик лицейларда аъло баҳоларга таҳсил олиш билан бирга турли тўғарақларга қатнашади. Буларнинг барчаси — мустақиллик берган имкониятлар туфайли, албатта. Шундай экан, шу азиз Ватан равнақи, истиқболи учун жон куйдириш, меҳнат қилиш биз учун ҳам қарз, ҳам фарз.

Баҳром МИРЗАҚОБИЛОВ,
"XXI asr" мухбири

ҲУДУДЛАРДАН
ХАБАРЛАР

ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ

Ахборот асри афзалликлари

Юртимизда олимларнинг янги авлоди шаклланишига алоҳида аҳамият берилмоқда. Нукусда Европа Иттифоқининг UNIKA ташкилоти ҳамийлигидаги TEMPUS ва UzDOC миллий дастурлари асосида Бердақ номидаги Қорақалпоқ давлат университети табиатшунослик факультети ҳузурида очилган докторантура маркази айнан ана шу эзгу мақсадга хизмат қилади.

Унинг очилишида Ўзбекистон Фанлар академияси Қорақалпоғистон бўлими, Қорақалпоқ давлат университети, Нукус давлат педагогика институти, шунингдек, Хорватиянинг уч ярим асрлик тарихга эга Загреб университети олимлари иштирок этишди. Марказда илмий тадқиқотларни амалга оширишга хизмат қиладиган 17 минг евро қийматга эга жиҳозлар ўрнатилди.

— Марказ фан докторларининг ахборот асри

афзалликларидан оқилона фойдалана оладиган авлодини шакллантиришда муҳим босқични бошлаб беради, — дейди Қорақалпоқ давлат университети ректори, Жўқорги Кенгесдаги O'zLiDeP депутатлик гуруҳи аъзоси, профессор М. Жуманов. — Ушбу дастур фанимиз истиқболини кўзлайди, унинг халқроқ илимий интеграция жараёнидаги фаол иштирокини таъминлайди.

Янгибой ҚУЧҚОРОВ,
"XXI asr" мухбири

ХОРАЗМ

Дўстингга китоблар ҳадя эт!

"Ўзимдаги барча яхши хислатлар учун мен, энг аввало, китобдан миннатдор бўлишим керак", деб ёзган эди аллоамлардан бири. Китоб — жамият равнақида хизмат қилиш баробарида комил инсон тарбиясида муҳим аҳамиятга эга.

Бизнинг маданий марказимизда маънавий-маърифий тадбирлар, шеърят, китобхонлик кечалари мунтазам ўтказиб

келинмоқда. Айна пайтда уюштирилаётган "Дўстингга китоблар ҳадя эт" акцияси ёшларимизга манзур бўлмоқда. Президентимиз Шавкат Мирзиёев Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганнинг 24 йиллигига бағишланган тантанали маросимда аҳоли, хусусан ёш авлод ўртасида китобга муҳаббат уйғотиш барчамизга жиддий масъулият юклашини алоҳида таъкидлади.

Акцияда марказимизнинг фаол аъзоларидан Л. Ходакова, И. Надилов, Г. Шамсутдинова, Р. Авежжонова жонбозлик кўрсатишаётди. Ёшлар иштирокида бўлиб ўтаётган учрашувларда олим ва ёзувчилар китоб ўқиш маданияти, инсоннинг шахс сифатида камолга етишида бу нодир неъматнинг тугган ўрни ҳақида сўз юритдилар.

Алевтина КОВАЛЕВСКАЯ,
Хоразм вилоят рус маданий маркази раҳбари

САМАРҚАНД

Муаммолар ечим топмоқда

Самарқанд туманида фаолият юритаётган "Жилон Малика" корхонаси раҳбари Малика Тажиббаева пиллачилик корхоналаридан қарзини ундирилмагач, Бош вазирнинг электрон қабулхонасига мурожаат қилди.

— Натияжада бошқа пиллачилик корхоналаридан 423 миллион 492 минг 650 сўм қарзини ундириш бўйича вилоят адлия бошқармаси томонидан ҳужжалик судига даъво аризаси киритилди ва маблағларимиз тўлалигича ундирилди, — дейди Малика Тажиббаева. — Энг муҳими, қарздор ташкилотлардан асосий қарз билан бирга неустойка ҳам ундириб берилди.

O'zLiDeP вилоят Кенгашидаги виртуал қабулхонага келиб тушаётган хал ва мурожаатлар сентябр ойида жами 15 тани ташкил этган бўлса, ноябрда 300 тадан ошди, — дейди партия вилоят Кенгашида ташкил этилган Бош Вазир қабулхонаси бош консультанти Бахтиёр Мустафоев. — Улар коммунал, пенсия тўловлари, тадбиркорларни қийнаётган масалаларга оиддир. Мурожаатлардан кўринадики, баъзи жойларда тадбиркорларга нисбатан тўсиқлар оз бўлса-да, учраб турибди. Жумладан, Жума шахридан Ҳамза Имомов "Коммунал сервис Шерзод" корхонаси учун ҳисобрақам олиш мақсадида Пастдарғом туманидаги бир неча ти-

жорат банкларининг филиалларига қилган мурожаатлари натижа беримагач, виртуал қабулхона орқали муаммосига ечим топди.

Шунингдек, Ургут тумани "Қоратепа" қишлоқ фуқаролар йиғини Омонқўтон маҳалласида яшовчи Ҳуснора Алиқуллованинг ишга жойлашиш бўйича мурожаати ҳам ижобий ақун топди. Ҳуснора ҳозирда Ургут тумани халқ таълими муассасалари фаолиятини методик таъминлаш ва ташкил этиш бўлими қошидаги "Баркамол авлод" марказида тўғарақ раҳбари сифатида иш бошлади.

Муҳаббат РАВШАНОВА,
"XXI asr" мухбири

СУРХОНДАРЁ

Маҳсулотларимиз экспортга

Сурхондарё вилоятида Вазирлар Маҳкамасининг "Сурхондарё вилоятида деҳқон ҳўжаликларининг имкониятларидан самарали фойдаланишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарори ижроси доирасида деҳқон ҳўжаликларини экспорт тўра мева-сабзавот маҳсулотлари уруги ва кўчатлари билан таъминлаш, уларни етиштириш ҳажмини кўпайтириш, қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотларини сақлаш, қайта ишлаш, саралаш, калибрлаш, ўраб, жойлаш қувватларини ташкил этиш ҳамда экспорт салоҳиятини оширишга қаратилган янги лойиҳаларни ҳаётга татбиқ этиш ишлари амалга оширилмоқда.

Вилоятнинг ҳар бир туманида Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари экспортини қўллаб қувватлаш жамғармаси ва "Ўзгрозэкспорт" акциядорлик жамияти ҳамда

Ташқи иқтисодий фаолият миллий банкнинг Тошкент шаҳри туманлари филиалларининг бевосита ёрдамида 15 та агрофирма ташкил этилди ҳамда жами 5 миллиард 500 миллион сўм миқдордаги устав жамғармаси шакллантирилди. Мева-сабзавотчилик соҳасини янада ривожлантириш, қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотларини сақлаш ва қайта ишлаш бўйича янги лойиҳаларни амалга ошириш мақсадида банкнинг Тошкент шаҳри ва туманлари филиаллари кўмагида вилоятнинг ҳар бир туманида жами 48 миллион 700 минг АҚШ доллари миқдордаги 45 та лойиҳа аниқланди ва уларни молиялаштириш мақсадида тармоқ жадваллари тасдиқланди.

Мазкур агрофирмалар, мева-сабзавот етиштирувчи деҳқон ҳўжаликлари, ҳамкор ташкилотлар вакиллари иштирокида Термиз шаҳрида ўқув семинари бўлиб ўтди. Унда агрофирмалар фаолиятини ривожлантириш, уларнинг экспорт имкониятларини ошириш, қиш-

лоқ ҳўжалиги маҳсулотларини етиштирувчи томорқа эгалари билан муносабатларини шакллантириш, иш юритиш услуб ва тартиблари тўғрисида атрофича маълумот берилди. Тадбирда таъкидланганидек, Сурхондарё вилоятида 2017 йилда аҳоли томорқаларида 764 минг тонна сабзавот, 268 минг тонна картошка, 150 минг тонна полиз маҳсулотлари ишлаб чиқарилиши кутимлоқда.

— Агрофирмамиз ҳозирга қадар 18 минг АҚШ долларлик маҳсулот экспортини амалга оширди, — дейди Сариев тумани "Сурхон замин неъматлари" агрофирмаси раҳбари Абдурахмон Ўлжаев. — Яқин вақт ичиде экспорт ҳажмини 100 минг АҚШ долларига етказиш имкониятига эгамиз. Фаолиятимизни янада кенгайтириш бўйича бугун батафсил маълумотлар олдим. Келгусида 500 тонналик музлатгич қуриш ниятидаман.

Муҳиддин ЖАБОРОВ
"XXI asr" мухбири

НАМАНГАН

Спорт саодатга етаклайди

Наманган шаҳридаги 7-умумтаълим мактабида Биринчи Президентимиз Ислам Каримов хотирасига бағишлаб пенчак-силат турнири бўлиб ўтди. Наманган вилояти маданият ва спорт ишлари бошқармаси, вилоят Пенчак-силат федерацияси, O'zLiDeP Наманган шаҳар Кенгаши, Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси вилояти бўлими ҳамкорлигида ўтказилган мусобақада 10 ёшдан 35 ёшгача бўлган 100 нафардан зиёд спортчи қатнашди.

— Биринчи йўлбошчимиз ташаббуси билан ташкил этилган Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси томонидан республикамизнинг барча ҳудудларида, хусусан, Наманганда ҳам бир-биридан кўркем юзлаб замонавий спорт иншоотлари бунёд

этилди, — дейди моҳир мураббий Абдулла Тошбоев. — Натияжада кўплаб иқтидорли ўғил-қизларимиз республика ҳамда халқаро миқёсдаги мусобақаларда совринли ўринларни эгаллашмоқда. Жумладан, "Соғлом она ва бола йили" да вилоятимиз пенчак-силат уста-

лари 30 та олтин, 9 та кумуш, 14 та бронза — жами 53 та медалини кўлга киритишди.

Спорт устаси мақомига эга бўлган Наманган қурилиш ва дизайн касб-ҳунар коллежи ўқувчилари Акбаржон Абдулқокиев, Исфандиёр Ҳайдаров, Наманган транспорт ва ахборот технологиялари касб-ҳунар коллежи ўқувчиси Раънохон Низомиддинова ва Малайзияда бўлган халқаро турнирнинг олтин қамар соҳиби Жалолхон Маматовларга эсдалик совғалари топширилди.

Комилжон ФАЙЗИЕВ,
"XXI asr" мухбири

ФАОЛИЯТ



БОШЛАНГИЧ ПАРТИЯ ТАШКИЛОТЛАРИДА

“O‘zLiDeP сафига кирганимиздан бахтиёрмиз” дейишмоқда жаззахлик ёшлар



✓ O‘zLiDeP Жаззах вилоят Кенгаши таркибига кирувчи бошлангич партия ташкилотларида бўлиб ўтаётган йиғилишларда кундалик долзарб вазифалар билан бир қаторда Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 24 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузаси партия фаоллари ҳамда электротат вакиллари томонидан қизғин муҳокама қилиниб, “Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили” дея эълон қилинган 2017 йилда амалга оширилиши зарур долзарб вазифалар белгилаб олинмоқда.

– Сафимизга яқинда қабул қилинган иқтидорли ёшлар фаолияти билан бошқалардан ажралиб турмоқда, – дейди O‘zLiDeP вилоят ташкилотининг бошлангич ташкилотлар билан ишлаш гуруҳи раҳбари Исомиддин Ҳамидов. – Сўнгги ойлarda партиямиз сафига кириш учун ариза билан мурожаат қилганларнинг кўпчилигини айнан навқирон авлод вакиллари ташкил этаётгани қувонарлидир. Масалан, шу ойда биргина Арнасой тумани бўйича 57 нафар йигит-қизга пар-

тияга аъзолик гувоҳномалари топширилди. Тумандаги Бурхонова Фаридда хусусий корхонасида янги таянч тузилма ташкил этилди. Ана шундай ижобий жараёни вилоятимизнинг бошқа туман ва шаҳарларида ҳам кузатиш мумкин. – O‘zLiDeP сафига қўшилганимга кўп вақт бўлгани йўқ, – дейди “Юрт келажиги” кўрик-танловининг республика босқичи ғолиби, Жаззах шаҳридаги 2-сонли академик лицей ўқувчиси Арофат Фаниева. – Давлати-

миз раҳбари томонидан илгари сурилатган муҳим вазифалар биз – ёшларни янада фаолроқ бўлишга ундапти. Айниқса, партиямиз асосий электорати – тадбиркор ва фермерлар фаолиятини янада ривожлантириш, ҳуқуқий ҳимоясини кучайтиришга қаратилган саноат-хўжалиқ қўлланган самара бериши учун бор имкониятларимизни ишга солишимиз лозим.

– Маърузада ёшлар таълим-тарбиясига ҳам алоҳида эътибор қаратилди, – дейди ёш сафдошларимиздан яна бири Хуршид Мирзаев. – Айниқса, Президентимизнинг “Бундай кескин ва таҳликали шароитда биз ота-оналар, устоз мураббийлар, жамоатчилик, маҳалла-қўй бу масалада ҳушёрлик ва огоҳликни янада оширишимиз керак. Болаларимизни бировларнинг қўлига бериб қўймасдан, уларни ўзимиз тарбиялашимиз керак. Бунинг учун ёшларимиз билан кўпроқ гаплашиш, уларнинг қалбига қулоқ солиш, дардини билиш, муаммоларини ечиш учун амалий кўмак беришимиз керак. Бу борада уюлмаган ёшлар билан ишлашга алоҳида эътибор қаратишимиз зарур”, дея қуюн-чаклик билан айтган сўзлари бизни тўлқинлантириб юборди.

Навқирон маслакдошларимиз билан яқиндан мулоқот асосида уларнинг аксарияти кенг жамоатчиликка дахлдор муаммо ва масалаларни дадиллик билан кўтариб чиқётгани ва ечимини топишда тажрибали партиядошлари ва депутатларимизга кўмақдош бўлишга интилаётганига гувоҳ бўлдик. Бу эса жойлардаги партия қўйи бўғинларининг фаолияти янада жонланишига туртки бериши шубҳасиз.

Баҳром МИРЗАҚОБИЛОВ,
“XXI asr” мухбири

Юртимизда экспортбон маҳсулотлар ишлаб чиқарилишини қўллаб-қувватлашга эътибор қаратилаётгани натижасида хусусий корхоналар сони ортиб бормоқда. Бунда O‘zLiDeP Кармана туман бўлими таркибига фаолият юритаётган бошлангич ташкилотларнинг ҳам муайян улуши бор.

МАҲАЛЛИЙ ТУЗИЛМАЛАР МАСЪУЛИЯТИ

Яқинда “Бобир Навоий плюс” масъулияти чекланган жамиятидаги таянч тузилма томонидан “Мева-сабзавот маҳсулотлари экспорти ҳажмини ошириш ва ассортиментини кўпайтиришга доир долзарб масалалар” мавзусида ўтказилган давра суҳбатида O‘zLiDeP вилоят ташкилотининг тадбиркорлик ва фермерлик ҳаракатини қўллаб-қувватлаш бўлими мудири Болиқул Йўлдошев, туман бизнес маркази раҳбари вазифасини бажарувчи Феруза Шамсиева ва бошқалар экспорт билан шуғулланаётган тадбиркорлик субъектларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, хусусий секторга хизмат кўрсатувчи маҳаллий тузилмалар масъулиятини ошириш, улар фаолиятини такомиллаштириш юзасидан фикр-мулоҳаза билдиришди.

Давра суҳбати якунида мавзубийча белгирилган таклифлар юзасидан тегишли қарор қабул қилинди.

Гулбахор ҲАМИДОВА,
O‘zLiDeP Кармана туман Кенгаши масъул ходими

Аҳоли мурожаатлари

қўйи бўғин йиғилишларида муҳокама қилинмоқда

✓ Партиямиз Сайловолди дастурида белгиланган мақсад ва вазифаларни ҳаётга татбиқ этиш, тарафдорлар сафининг кенгайишида бошлангич партия ташкилотларининг ўрни бекиёс. Миришкор туманида O‘zLiDePнинг 60 та қўйи бўғини бор. Унда 905 нафар партия аъзоси бирлашган. Партия туман Кенгаши томонидан бошлангич партия ташкилотлари фаолиятини такомиллаштириш, партия аъзоларининг сиёсий фаоллигини ошириш мақсадида аниқ таклиф-тавсиялар ишлаб чиқилган.

– Қайси сиёсий куч жойларда гоявий-сиёсий ишларни давр талаблари даражасида ташкил эта олса, дастурий мақсадларини қўллаб-қувватловчилар сони ортади, нуфузи яхшиланади, – дейди партия Миришкор туман Кенгаши раиси Исқандар Ҳусеинов. – Шунинг учун биз аҳоли билан ишлашда мафкуравий тарғибот ишларини жонлантириш, қўйи ташкилотлар ҳамда фуқароларнинг сиёсий жараёнлардаги фаолигини, қўйи бўғин етакчиларининг сиёсий билим ва кўнжмаларини янада оширишга алоҳида эътибор қаратаймиз. Айни пайтда бошлангич партия ташкилотлари аҳолининг ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоялаш, саломатлигини муҳофаза қилиш, меҳнат шартлоларини янада яхшилашда яқин кўмакчи вазифасини ўтаётир.

“Чандир” кишлоқ фуқаролар йиғини ҳудудидаги бошлангич партия ташкилоти ана шундай фаол қўйи бўғинлардан. Бошлангич партия ташкилоти ўз йиғилишларида партия электорати ва аҳолини қўйиб келаятган масалаларга мақбул ечим топишга астойдил ҳаракат қилади. Мазкур тузилма ташаббус билан умумий йиғилишларда муҳокама этилган кишлоқ ёшларини тадбиркорликка йўналтириш, касб-хўнара коллежлари битирувчилари бандлигини таъминлаш, оилавий тадбиркорлик субъектларига лалмикор деҳқончилик ва чорвачилик билан шуғулланиши учун ер ажратиш, аҳолига кўрсатилаётган хизмат турини кўпайтириш ва сифатини ошириш борасида 10 дан ортиқ масалалар Халқ депутатлари Миришкор туман Кенгашида муҳокама этилди.

Туман тиббиёт бирлашмаси, “Жейнов пахта тозалаш” очик акциядорлик компаниясидаги бошлангич партия ташкилотлари ҳам маҳаллий Кенгашларга таклиф-ташаббус олиб чиқишда фаоллик кўрсатаётир. Таклифларнинг аксарияти аҳоли мурожаатлари асосида ишлаб чиқилган партия нўфузини янада оширмоқда. Бу сафимизнинг янада кенгайишида муҳим омили бўлаётир.

Сайфулла ИКРОМОВ,
“XXI asr” мухбири

МУНОСАБАТ

✓ Ўйлаб қарасам, қишлоқ мулкдори – фермер бўлганимга ҳам йигирма йил бўлибди. Дастлаб ўн киши билан фаолиятимизни бошлаган бўлсак, бугунги кунда хўжалигимизда 50 дан ортиқ юртдошимиз доимий иш билан банд.

Яхшилик калити

Эсимда, дастлабки йиллари трактор топсам, ўғит берадиган омборчинчи тополмасдим, омборчинчи топсам, техника панд берар эди. Бугун-чи, давлатимиз томонидан қўллаб-қувватлашга йиғилиши натижасида фермерлар нафақат ишлаб чиқарувчи, балки, етиштирган маҳсулотини қайта ишловчи кўп тармоқли фермер хўжалигига айланмоқда. Масалан, биз ҳозирда иссиқхона, чорвачилик, боғдорчиликни йўлга қўйдик. Дастлаб иккитагина техника билан иш бошлаган бўлсак, ҳозирда қўша-қўша тракторларимиз, хорижда ишлаб чиқарилган дон ўриш комбайнимиз, автомобилларимиз, қўйингичи, ўн бешга яқин техникага эга бўлган паркомизгача бор.

Амалдаги қонунчилигимизда ҳар кимнинг мулкдор бўлишга ҳақлиги ва хусусий мулкнинг дахлсизлиги белгилаб қўйилгани, қолаверса, мамлакатимизда тадбиркорлар, фермерларга жуда кенг имкониятлар ва имтиёзлар яратилгани соҳа ривожига сабаб бўлмоқда. Бугун фермерларимиз маблағини ишчиларнинг саломатликларини сақлаш мақсадида санаторийда дам олиш, зиёратгоҳларимизга саёҳат уюштириш, тўй қилиш, намунали уй-жойлар сотиб олишга сарфлашмоқда. Турмуш шартлоларини яхшилаш, кам таъминланган, боқувчисиз оилаларнинг ҳолидан хабар олиш ҳам улар назаридан четда қолмапти.

Биринчи Президентимизнинг “Сиз фермерларга бир яхшилик қилсангиз, улар сизга минг яхшилик билан жавоб қайтаришади”, деган сўзлари қулоқларимизда жаранглаб, бизни доимо ана шундай эзгу ишларга ундапти. Ахир қайси давлатда тадбиркор, фермер шунчалик қадрланади? Қайси давлатда деҳқон кўксига қаҳрамонлик нишони тақиялапти?! Шу эмасми давлатимизнинг бизга кўрсатаётган ҳурмати, эътибори!

Шундай экан, биз – фермерлар мамлакатимизнинг қайси туманида фаолият юритмайлик, доимо лафзимиз ҳалол, юрт ишончини оқлашдек масъулиятни эса мудом ҳис этиб яшамоғимиз лозим.

Абдумалик КАРИМОВ,
Оққўрғон туманидаги “Покиза – М” фермер хўжалиги бошлиғи,
“Дўстлик” ордени соҳиби, O‘zLiDeP аъзоси

Мулоқот ва анфаатлар уштараклиги

✓ Қумуш қишнинг декабри халқимиз ҳаётида юз берган улкан сиёсий воқеаликлар билан тарих саҳифаларига муҳрланди десак, асло муболага бўлмайди. Ойнинг тўртинчи санасида халқимиз Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловида фаол иштирок этиб, яна бир оқил танловни амалга оширган бўлса, саккизинчи кун бугунги фаровон ҳаётимизга асосий пойдевор бўлган Конституцияимизнинг 24 йиллик тантаналарини кенг нишонлади.

Ўзбекистон Республикасининг Президенти Шавкат Мирзиёевнинг ушбу муҳим сана муносабати билан сўзлаган маърузасини ўқир эканмиз, унда қайд этиб ўтилган бир қатор таҳлилий-танқидий масала, эзгу ва олижаноб мақсад, муҳим вазифалар ҳар қандай ҳур фикрли инсонни ўзига жалб қилиши билан бирга, эзгу ислохотларнинг фаол иштирокчиси бўлишга ундаётганига амин бўламиз. Маърузада Асосий қомусимиз асосида яратилган 400 га яқин яхлит қонун ҳаётимизнинг барча соҳаларидаги ижтимоий муносабатларни тартибга солиш билан бирга, фуқароларимизнинг ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлашга хизмат қилаётгани, шунинг баробарида қонунларнинг ислохотлар самарасига таъсирининг

етарлича сезилмаётгани, бу эса бир қатор салбий оқибатларни келтириб чиқариши мумкинлиги таъкидланди. Айтиш керакки, маърузада қонунларнинг ислохотлар самарасига таъсири янада юқори бўлиши учун бажарилиши зарур бўлган бир қатор вазифалар белгиландики, уларнинг амалга оширилиши ҳуқуқ тизими такомиллашувида алоҳида аҳамият касб этади. Айниқса, қонунларни ишлаб чиқишда уларнинг ижтимоий муносабатларни тўғридан-тўғри тартибга солишга қаратилиши, яъни, уларни ҳаётга татбиқ қилишнинг аниқ механизмларини қайд этиш, шундан келиб чиққан ҳолда идоравий ҳужжатларни қисқартириш гоёт долзарб масалалардир.

Албатта, мазкур муаммони ҳал қилиш йўлида қонунларни баҳолаш мезонларини ишлаб чиқиш долзарб аҳамиятга эга. Бунда қонун ижодкорлиги жараёнининг ҳар бир босқичи, яъни, қонун қабул қилиш гоёси, зарурати, ишчи гуруҳларининг тузилиши, қонун лойиҳасини тайёрлаш, муҳокама қилиниши ва қабул қилинишидан тортиб, тунинг ижросини жойларда ўзига хос мезонлар асосида баҳолашгача бўлган ҳар бир ҳолат чуқур ўрганилиши лозим. Ҳуқуқий ҳужжатлар таъсирини баҳолаш мезонларида қабул қилинган қонуннинг фуқароларга етказилиши, жамоатчилик томонидан қандай қабул қилингани, амал қилиш даражаси, ислохотларнинг боришига нечоғли таъсир этгани каби бир қатор масалалар инobatта олинishi мақсадга мувофиқ.

Шу нуқтаи назардан қараганда, маърузада илгари сурилган ҳукуматнинг парламент билан қонун ижодкорлиги ва назорат-таҳлил соҳасидаги ҳамкорлигини янада самарали ташкил қилиш мақсадида Вазирлар Маҳкамасининг Олий Мажлисида доимий асосда фаолият кўрсатадиган вакили лавозимини таъсис этиш масаласини ҳуқуқ тизимида мутлақо янги ва долзарб институт си-

фатида баҳолаш лозим. Таъкидлаш жоизки, қабул қилинаётган қонунларнинг ижро этилиши билан боғлиқ барча масалалар, турли муаммолар билан биринчи ўринда ҳуқуқ ва унинг жойлардаги вакиллари юзма-юз келади. Бу эса, ўз навбатида, ижро этувчи органлар томонидан қонунчиликдаги бўшлиқлар, уни амалга ошириш механизмидаги камчиликлар хусусида аниқ хулоса чиқаришга имкон беради. Қонун чиқарувчи ва ижро этувчи органлар ўртасидаги узвий ҳамкорликнинг йўлга қўйилиши эса қонунларни янада мукамал шаклда қабул қилиш, уларни ижрога тўғридан-тўғри татбиқ этиш механизми билан тўлдирish имконини яратади.

Маърузада Конституцияимизда олиқ қадрият сифатида белгилаб қўйилган инсон ҳуқуқларини таъминлаш масаласига эътибор қаратилар экан, бунинг учун суд ҳокимиятининг чинакам мустақиллигига эришиш, суд-ҳуқуқ тизимини янада демократлаштириш ва эркинлаштириш, суд, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва назорат органлари фаолияти самардорлигини, аҳолининг одил судловга бўлган ишончини ошириш, жамиятда қонун устуворлигини таъминлаш каби долзарб вазифаларни ҳаётга татбиқ қилиш бўйича аниқ чора-тадбирлар белгиланди.

Шунингдек, халқнинг давлат идораларига эмас, аксинча, давлат идораларининг халқимизга хизмат қилиши зарурлиги алоҳида қайд этилди. Шу ўринда жорий йилнинг 25 сентябрь кунни ташкил этилган Бош вазирнинг виртуал қабулхонаси ва унга юборилаётган мурожаатларнинг ижобий ҳал этилаётганини тилга олиш лозим. Давлат идораларининг шу шаклда халқ манфаатларига хизмат қилишини изчил давом эттириш ҳамда соҳани янада такомиллаштириш Конституцияимизнинг 2-моддасини ҳаётга изчил татбиқ этиш демакдир. Мазкур моддада давлат халқ иродасини ифода этиб, унинг манфаатларига хизмат қилиши, давлат органлари ва мансабдор шахсларнинг жамият ва фуқаролар олдида масъуллиги белгиланган.

Халқимизга хос фазилатлардан бири, аждодлар руҳига муносиб эҳтиром кўрсатиш, авлодлар таълим-тарбиясига муқаддас бурч сифатида ёндашишдир. Давлатчилигимиз тарихи, халқимиз озодлиги ва фаровонлиги йўлида бемисл хизмат кўрсатган Биринчи Президентимиз Ислам Каримов хотирасини абадийлаштириш бўйича амалга оширилаётган ишлар фикримизни яққол тасдиқлаб турибди. Давлатимизнинг янги раҳбари томонидан 2017 йил “Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили” деб эълон қилингани келгусида инсон ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлашга янада кўпроқ эътибор қаратилишидан далолат беради.

А. ИСМАИЛОВ,
Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази директори ўринбосари

ИМКОНИЯТ



Тошкент давлат аграр университетида Қишлоқ ва сув ҳўжалиги вазирлиги ходимлари, профессор ўқитувчилар ва ОАВ вакиллари иштирокида "Малакали мутахассислар – соҳа истиқболли таянчи" мавзусида матбуот анжумани ўтказилди.



Тадбирда аграр соҳанинг халқимиз турмуш фаровонлигини оширишдаги ўрни, малакали кадрлар тайёрлаш каби масалалар юзасидан фикр алмашилди.

ТАЪЛИМ СИФАТИГА БОҒЛИҚ

– Сўнгги йилларда юртимизда қишлоқ ва сув ҳўжалигини ривожлантириш борасида амалга оширилган кенг кўламли ислохотлар натижасида салмоқли натижалар қўлга киритилмоқда, – дейди университет ректори Б. Сулаймонов. – Бунда ўқув юртида миллий ва замонавий анъаналарни ўзида мужассам этган таълим тизimini такомиллаштиришга алоҳида эътибор қаратилаётганлиги соҳа тармоқлари ривож учун муҳим омил бўлаётди.

Анжуман давомида қатнашчиларга бугунги кунда Қишлоқ ва сув ҳўжалиги вазирлиги тасарруфидagi Тошкент давлат аграр университети, унинг Нукус филиали, Тошкент ирригация ва мелиорация институти, Самарқанд ҳамда Андижон қишлоқ хўжалик институтларида бўлажак аграр соҳа мутахассисларини тайёрлаш, ўқув жараёнлари, хусусан, талабаларнинг маънавий-ахлоқий савиясини юксалтириш борасида ўтказилаётган тадбирлар хусусида видеоролик ҳамда слайдлар намойиш этилди.

Сардор ТУР050В


ТУРИЗМ

Оламни маҳлиё айлар Бухоро!

Ўзининг ноёб осори-атиқалари, бетакрор ва гўзал обидалари, меҳмондўст халқи билан бутун дунёга маълум бўлган Бухоро вилоятида туризм йилдан-йилга ривожланиб бормоқда. Кейинги йилларда бу ерда 40 та янги меҳмонхона, 18 та сайёҳлик ташкилоти фаолияти йўлга қўйилди. Туризмни ривожлантиришга қаратилган сармоялар эса 2011-2015 йиллар мобайнида 3 миллиард 800 миллион АҚШ долларини ташкил этди.

Дастур ижросини таъминлаш доирасида 8 та маданий мерос объектлари таъмирланди, 7 та меҳмонхона қурилиб, бир қатор янги туристик фирмалар иш бошлади. Эндиликда вилоятнинг Олот, Қорақўл, Ромитан, Когон, Ёиждувон, Вобкент ва бошқа туманларида ҳам замонавий меҳмонхоналар ишлаб турибди. Айниқса, вилоят марказида фаолият кўрсатаётган "Кавсар – Бухоро – Султон ота", "Олд – Сити", "Заргарон плаза", "Гранд – Бухара", "Азия – Бухара", "Роял Гарден Реал", "Султон" ва бошқа меҳмонхоналардан сайёҳлар қадами аримади.

– Вилоятда янги туристик йўналишларнинг очилаётгани, хусусан, "Самарқанд – Бухоро" темир йўли электрлаштирилиб, юқори тезликдаги поезд қатновининг йўлга қўйилгани дунё сайёҳларини қадимий ва ҳамisha навқирон шаҳарга бўлган қизиқишини янада оширмоқда, – дейди "Ўзбектуризм" миллий компанияси Бухоро минтақавий бўлими бошқарувчиси Шерзод Маҳмудов. – Шаҳримизда анъанавий тарзда ўт-



Соҳани тараққий эттириш дастури ижросини таъминлаш мақсадида сайёҳлик ташкилотлари ва меҳмонхоналарга энг сўнгги русумдаги автобус ва микроавтобуслар ажратилган. Ана шу жиҳатлар вилоятда туризм салоҳиятини янада юксалтиришда муҳим омил бўлиб хизмат қилаётди. Утган йилда вилоятга ташриф буюрган 120 минг нафардан зиёд сайёҳга кўрсатилган хизматлар ҳажми 53 миллион 600 минг АҚШ долларини ташкил этди. Дастурга биноан бугунги кунда вилоят сайёҳлик тизимида 10 минг нафарга яқин киши доимий иш билан таъминланган бўлиб, уларнинг аксарияти ёшлардан иборат. Воҳада ички туризмни ривожлантириш ҳам доимий эътиборда. Зотан, ички туризм мустақиллик йилларида ҳаётимизда юз берган ўзгаришларни ҳис этишга шароит яратмоқда.

Вилоятда туризмни ривожлантириш мақсадида 2016-2017 йилларга мўлжалланган дастур тузилган бўлиб, ана шу давр ичда жами 82 миллиард 174 миллион сўмлик истиқболли лойиҳалар амалга оширилиши режалаштирил-

казиб келинаётган "Ипак ва зираворлар" халқаро фестивали ва унинг доирасида ташкил этилаётган турли анжуманлар истиқболдаги вазифаларни изчил амалга оширишга хизмат қилаётди. Жорий йил май ойида Баҳоуддин Нақшбанд ёдгорлик мажмуасида ташкил этилган ана шундай анжуманлардан бирида сайёҳларни Бухорога жалб этишнинг истиқболлари, "Етти пир" йўналишидаги маданий-маърифий таништирув сайёҳлик турларини кенг ёйиш, қадимий воҳадаги номоддий маънавий меросимиздан унумли фойдаланган ҳолда ўзаро манфаатли ҳамкорликни йўлга қўйиш каби масалаларга алоҳида урғу берилди.

Асосийси, Бухорода туризмни иқтисодиётнинг асосий тармоқларидан бирига айлантириш учун барча шароитлар етарли. Бу эса юртимизнинг халқаро майдондаги нуфузини янада мустаҳкамлайди. Қолаверса, туризм мамлакатимиз иқтисодий салоҳиятини ошириш билан бир қаторда, дунё халқлари билан маънавий ҳамкорликни янада ривожлантиради.

Асхор ИСТАМОВ, "XXI asr" мухбири

Ёш фермерлар беллашди

Ўзбекистон Либерал-демократик партияси ташаббуси билан ўтказилиб келинаётган "Ёш фермер" кўрик-танловининг Самарқанд вилояти босқичи бўлиб ўтди. Унда вилоятда самарали фаолият юритаётган ёш фермерлар иштирок этди.

Танлов натижаларига кўра, Иштихон туманидаги "Домла Аброрий УМР" фермер хўжалиги раҳбари Аброр Раббимов биринчи, Нуробод туманидаги "Анжирли гурур фахри" фермер хўжалиги раҳбари Эгамберди Дияров иккинчи, пахтачилик, "Достонбек баракали толаси"

фермер хўжалиги бошлиги Достонбек Сайимов учинчи ўринни эгаллади.

– 24 ёшимда фермерликни бошлаган эдим, – дейди голиблардан бири Аброр Раббимов. – Дастлаб ҳосилдорлик анча паст эди. Ён-агрофимдаги фермер хўжаликлари фаолиятини ўрганиб, пахтанинг ҳар гектаридан 44, галладан 80 центнердан ортиқ ҳосил олдим. Партия лойиҳалари фермер бўлиш ниятида юрган йигит-қизларга шижоат бағишламоқда.

Муҳаббат РАВШАНОВА, "XXI asr" мухбири

Эрта турмуш – келтирар ташвиш

О'zLiDeP Қонлиқўл туман Кенгаши томонидан "Наврўз" овул фуқаролар йиғини ҳудудидаги бошланғич ташкилотда "Эрта ва яқин қариндошлар ўртасидаги никоҳнинг салбий оқибатлари ва уларни бартараф этиш" мавзусида давра суҳбати бўлиб ўтди.

– Эрта турмушга чиқиш, қариндошлар ўртасидаги никоҳ турли кўнгилсизликларга сабаб бўлади, – дейди

туман қишлоқ врачлик пункти шифокори Н. Ўтениязова. – Шу боис ҳамкор ташкилотлар билан биргаликда маҳаллаларда бу борада тарғибот-ташвиқот ишларини олиб бораёلمиз.

Тадбирда соҳа вакиллари бундай никоҳнинг салбий оқибатлари хусусида батафсил маълумот беришди.

О'zLiDeP Қорақалпоғистон Республикаси Кенгаши матбуот хизмати

Янги марказ иш бошлади

Термизда "Surxon ta'lim va biznes" нодавлат таълим маркази иш бошлади.

– Ўқув марказимиз малакали мутахассис ва экспертлар билан ҳамкорликда хусусий сектор вакилларини қайта тайёрлаб, малакасини оширади, – дейди марказ раҳбари Соатмурод Қурбонов. – Соҳа эгаларига замонавий бошқарув, маркетинг, илғор инновацион технология-

ларни жорий этишига кўмаклашилади. Шу куннинг ўзида "Корпоратив бошқарув ва замонавий маркетинг" мавзусига бағишланган ўқув-семинар ташкил этилиб, иштирокчилар корпоратив бошқарув, бозор имкониятини таҳлил қилиш, маркетинг ишларини ҳаётга татбиқ этиш бўйича сабоқ олишди.

Муҳиддин ЖАББОРОВ, "XXI asr" мухбири

AVTOSALON «SARDOR AVTO INVEST»



ZAZ Forza, д/в: 109 л.с. – бензин/газ



Нива Бизнес – пикап, 4x4, д/в: 80,92 л.с. – бензин/газ



ТЎЛОВ ТУРИ: НАҚД, ТЕРМИНАЛ, ПУЛ ЎТКАЗИШ, КРЕДИТ, ЛИЗИНГ


Манзил: Тошкент ш., Шота Руставели кўчаси, 113-уй.
Мўлжал: Жанубий вокзал.
Телефонлар: (+99871) 215-09-11, 250-23-93.
www.sardor-avto.uz

Маҳсулотлар сертификатланган
Хизматлар лицензияланган

ИСТИҚЛОЛ ИМКОНИЯТЛАРИ

Юртдошларимиз халқаро кўргазмада

Юртимизда тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш борасида мустаҳкам ҳуқуқий асос яратилгани соҳанинг янада ривожланиши, экспорт салоҳиятимиз ортиши, "Made in Uzbekistan" ёрлиғи туширилган маҳсулотларнинг жаҳон бозорига кенг ўрин эгаллашига замин яратмоқда.



АҚШ доллари миқдорига экспорт шартномалари имзоланди.

– Халқаро озиқ-овқат кўргазмасида қурилган мева ва сабзавот маҳсулотлари билан иштирок этдик, – дейди Тошкент шаҳридаги "Wheel of Progress" масъулияти чекланган жамияти раҳбари Абдувоҳид Муҳаммадов. – Бундай тадбирларда қатнашишимизда жамғарманинг кўмаги катта бўлапти. Кореяда маҳсулотларимиз тақдирини намойиши учун бизга бепул жой ажратилиши ва иштирокимиз қўллаб-қувватлангани экспорт билан эндигина шуғулланаётган биз каби бошловчи тадбиркорлар учун катта амалий ёрдам бўлди. Энг муҳими, биз хорижий тадбиркорлар билан ўзаро манфаатли келишувларга эришдик.

Америка, Европа, Океания ва Осиё минтақаларининг 50 давлатидан келган ва 55 мингдан зиёд ишбилармон иштирок этган "World Food Expo Korea – 2016" халқаро кўргазмаси юртимизнинг бир қатор компания ва корхоналари вакилларига турли мамлакатлар ишбилармонлари билан савдо-иқтисодий алоқалар ўрнатиб, мавжудларини янада кенгайтириш ва мустаҳкамлаш, истиқболли лойиҳалар ишлаб чиқиш ва амалга ошириш, ўз маҳсулотларини экспорт қилиш бўйича шартномалар имзолаши учун қўлай имконият яратди. – Республикаимиз ва хорижий давлатларда ўтказилаётган кўргазма-

ларда тадбиркорларимиз, хусусан, Хоразм вилояти ишбилармонларининг иштироки қишлоқ хўжалиги ва саноат маҳсулотлари экспорти ҳажмининг ортишига сабаб бўлмоқда, – дейди жамғарманинг Хоразм вилояти филиали директори Отабек Атамуродов. – Жорий йилда вилоятимиздаги 30 та тадбиркорлик субъекти томонидан 65 миллион 500 минг АҚШ долларлик экспорт шартномалари имзоланиб, улар доирасида 20 миллион 500 минг АҚШ доллари қийматдаги маҳсулотни экспорт қилишга кўмаклашилди. Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини чет давлатларга сотиш учун мева-сабзавот етиштиришга ихтисослаштирилган 3 та туманда 3 та янги экспортёр корхона жалб этилди. Жумладан, Хива туманидаги "Agro Chinoir Savdo" агрофирмаси, Богот туманидаги "Bagat Greens" масъулияти чекланган жамияти, Урганч туманидаги "Аббосбек" хусусий корхонаси ва Гурлан туманидаги "Gurlan Meva" агрофирмаси жорий йилнинг атғи тўғрисида ойи мобайнида салкам 3 миллион АҚШ долларлик қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини экспорт қилди. Бундан ташқари, тадбиркорларимиз жамғарманимиз кўмагида Бирлашган Араб Амирликларига 11 минг 500, Беларус Республикасига 15 минг ва Ҳиндистонга 242 минг 300 АҚШ долларлик узум, шафтоли, хурмо ва мошини экспорт қилишни бошлашди.

Шунингдек, вилоятдаги экспортёрларни рағбатлантириш, уларга экспорт олдиди молиялаштириш ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини сотиб олиш учун 3 ойдан 6 ойгача муддатга 300 миллион сўмгача фондсиз қарз берилмоқда. Масалан, Қўшқўпир туманидаги "Экспортёр Зоҳиджон Сервис" оилавий корхонаси ва Гурлан туманидаги "Гурун савдо" шўъба корхонасига қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини сотиб олиш учун тегишли маблағ ажратилди. Бу каби хайрли ишлардан қўзланган асосий мақсад, давлатимизда тадбиркорлар учун яратиб берилаётган имкониятлардан унумли фойдаланган ҳолда Ўзбекистонимизда етиштирилаётган, ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларни хорижга янада кўпроқ етказиб бериш ва жаҳон бозорини муносиб ўрин эгаллашдан иборатдир.

Зиёдулла МЎМИНОВ, "XXI asr" мухбири

Хизматлар лицензияланган

15-514


РЕКЛАМА ҲУҚУҚИДА

Тадбиркор ва ишбилармонлар диққатига

"Миробод дехқон бозори" акциядорлик жамияти бозор ҳудудида жойлашган ва фаолият кўрсатмаётган савдо дўконларини ва ертўла омборхоналарини 2017 йил учун ижара асосида берилиши бўйича шартномалар тузилишини, шунингдек, қишлоқ хўжалик маҳсулотлари савдоси билан шуғулланувчилар учун бўш савдо расталари мавжуд эканлигини маълум қилади. Ўз даромадини ошириши истаганлар савдо дўконларини ҳамда ертўла омборхоналарини ижарага олиш, шунингдек, бўш савдо расталарида савдо қилиш бўйича жамият маъмуриятига мурожаат этишлари мумкин.

Манзил: Миробод туман Нукус кўчаси
"Миробод дехқон бозори" АЖ
Телефон: (0-371) 254-38-97, 255-78-34

ҚУТЛОВ



**Нукус шаҳридаги
“MIRATDIN-SULTONBEK”
масъулияти чекланган жамияти жамоаси**

*қадри сатандошларимизни қутлуқ айём – Янги йил
билан муборакбод этади. “Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили”да
олдимизга қўйган эзгу мақсадларимиз тўла рўёбга чиқиб,
халқимиз фаровонлиги янада ошмишига тиллақдошимиз.
Озод ва обод юртимизни бахт-саодат ҳеч қачон тарк этмасин!*

Хизматлар лицензияланган 16-366



**“PERFEKT TREND” масъулияти
чекланган жамияти жамоаси**

ватандошларимизни кириб келаётган
Янги йил байрами билан чин қалбдан қутлайди.
Мамлакатимиз аҳлига узоқ умр, сиҳат-саломатлик,
тинчлик-хотиржамлик тилайди.
2017 – “Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари
йили” да барчамизга яхши кунлар,
тўй-томошалар ёр бўлсин!


Хизматлар лицензияланган 16-586



**Нукус шаҳридаги “Маг Мед Фарм”
масъулияти чекланган жамияти жамоаси**

*юртимиз аҳлини Янги йил
байрами билан муборакбод этади.
Ушбу қутлуқ кун арафасида
барча эзгу испақларингиз
рўёбга чиқмишига тиллақдошимиз.
Осоқошимиз доимо мусайффо,
юртимиз тинч, турмушимиз
янада фаровон бўлсин!*

Махсулотлар сертификатланган 16-367



2017

**Нукус шаҳридаги
“АЛИМБОЙ”
хусусий дорихонаси
жамоаси**

Ўзбекистон халқини Янги йил байрами билан
самимий табриклайди ва барчага ўз эзгу
тилақларини изҳор қилади. Сизларга узоқ
умр, сиҳат-саломатлик ёр бўлсин.
Янги йилда кўзлаган орзу-ниятларингиз
тўла ушалишига тилақдошимиз!



**“Нишон пахта тозалаш”
акциядорлик жамияти жамоаси**

мамлакатимиз аҳлини кириб келаётган Янги йил байрами
билан самимий муборакбод этади.
“Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили” да
барчангизга мустақкам соғлиқ, оилаларингизга
тинчлик-хотиржамлик, дастурхонларингизга кут-барака тилаймиз.

Байрам кайфияти сизларни асло тарк этмасин!

Хизматлар лицензияланган 16-581



Махсулотлар сертификатланган 16-399

АТБ “Қишлоқ қурилиш банк” Тошкент вилояти минтақавий филиали
ўз эҳтиёжлари учун 1 дона раҳбарлар учун кресло ва 40 та “Silvia” модели стуллар сотиб олади.
(3 кун ичида мурожаат қилишингизни сўраймиз).
Телефон: (0-371) 150-79-09.
Манзил: Тошкент шаҳри, Яққасарой тумани, Усмон Носир кўчаси, 53-Б.

16-672

МОҲИЯТ

Тоҳир МАЛИК, Ўзбекистон халқ ёзувчиси:

Олимлар тош асри миллион ёки неча минг йил олдин ўтиб кетган дейишади. Лекин мен айрим одамларнинг тош қалбларига қараб, бу галга ишонгим келмайди. Тош асри тугамаганга ўхшайди. Бир киши ўзининг сингли билан юз кўрмас даражада аразлашган экан. Узоқ йиллар давомида ака-сингил бегоналардай юришган. Вақти келиб, сингил қазо қилганида ака фотиҳага бормоқни ихтиёр этиб, ҳаракатини "ўлиқнинг хурматини қилиб қўйиш керак", деб изоҳлади. Ажаб, минг бор ажаб! Дуруст, ўлиқнинг хурмати бор экан. Тирикнинг хурмати-чи?

"Мана шу қаср, шу автомашина, шу жа-вохиру ёқутлар меники", деб ўйлаймиз. Нодонлармиз биз. Ахир жонимиз узилиши билан булардан ажраймиз-ку? Булар бизларга асқотмайди-ку?
"Шу кўз, юрак, жигар... меники", деймиз. Зоҳиран тўғри – ҳаёт эканимизда бизники. Аслида – оқибатда эса, жон чиқиб, сўнгги манзилимизга борганимизда эса улар ўз эгаларини топадилар.
У ҳолда чин ўзимизники бўлган, бу дунёда ҳам, у дунёда ҳам ўзимизга садоқат билан ҳамроҳ бўлувчи, бошқаларга насиб этмовчи, фақат ўзимизга хизмат қилувчи бирон нимамиз борми? Бор! Бу – иймон.

Кўшиқчи "Бургутлар, мени самоларга олиб

чиқинг!" деб нола қиляпти. Дуруст, самога-ку, бургут олиб чиқар. Осмонга чиққандан сўнг тушмоқ ҳам бор. Бургут олиб тушармикин? Одамлар айтмайдими: "Нодон, ўзинг учини билмасанг, нима қиласан учини орзу этиб?"



Шоир китоб ўқиб ўтирган экан. Бир жоҳил одам унга яқин келиб "Нечун ёлғиз ўтирибсан?" деб сўрабди. Шунда шоир унга қараб: "Сен келишинг билан ёлғиз қолдим. Чунки китоб мутлоасидан тўхтадим", деган экан.

Бўстонликда бир чинор кўрдим: одамлар унинг яқинида гулхан ёқавериб, оқибатда дарахтнинг баданини ўйиб юборишибди. Узоқдан қаралса, дарахт тили суғуриб олинган одамга ўхшайди. Бизнинг тарихимиз ҳам шунақа...

Ҳаёт – бешик ва тобут орасидаги тор бир йўл ва йўлчиликдир. Дунё ҳаёти сўнгсизлик ичида бир совун кўпиги кабирдир. "Инсонлар идрок қилган ҳаёт нимадан иборатдир?" деган саволга ернинг захи ва қабр тошларининг қаттиқлиги энг тўғри жавоб бўлур эди. Шундай экан, нафсоний орзулар ва вужуд йўлида ўтган умрнинг маъноси нима ҳам бўлур эди?

Агар сиз билимдон бўлсангиз, биродарларингизга ҳам беринг, токи ундан шамчироқларини ёндириб олишин.

Ажриқдан сўрабдилар:
– Нега қишда ҳам кўкариб чиқмайсан?
– Сўрама, биродар, – дебди ажриқ хўрсиниб.
– Кўкларда кўкариб чиқиб қандай хурмат кўрибманки, қишда ҳам кўкарсам?

Оғзида биронта тиши йўқ қария билан ўспирин биргалиқда овқатланиб ўтиришарди. Иккови бараварига йиғлаб юборишди.
– Нега йиғляяпсиз? – деб сўрашди қариядан.
– Оғзимда тишим йўқ, то мен ямлагунча, бу йиғитча овқатни паққос тушириб, мен оч қолялман.
– Сен нега йиғляяпсан? – деб сўрашди ўспириндан.
– Мен овқатни чайнаганимча бу чол чайнамай ютиб, овқатнинг баракаси учиб кетди, оч қоладиганга ўхшайман, – деган экан ўспирин.

Анвар НАМОЗОВ тайёрлаган.

ЭЪТИРОФ

Ҳасанбой Дўсमतовга "Йилнинг энг яхши боксчиси" соврини топширилди



XXXI ёзи Олимпия ўйинларининг олтин медаль соҳиби Ҳасанбой Дўсमतов Халқаро ҳаваскор боксчилар ассоциацияси (AIBA) томонидан "Йилнинг энг яхши боксчиси" соврини билан тақдирланди.

Мамлакатимизда ҳар томонлама баркамол авлодни вояга етказишнинг муҳим воситаси сифатида жисмоний тарбия ва спортни ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бунинг самарасида Ўзбекистонда кўплаб спорт турлари каби бокс ҳам жадал ривожланётир. Бугунги кунда ўзбек бокс мактаби тарбияланувчилари спорт оламининг барча нуфузли мусобақалари – Олимпия ва Осиё ўйинлари, жаҳон ва қитъа чемпионатларида юқори натижаларни кўлга киритиб, ҳеч кимдан кам эмас-

ликларини ва кам бўлмасликларини исботламоқда.

2016 йилги спорт мавсуми боксчиларимиз учун галабаларга бой бўлди. Бразилиянинг Рио-де-Жанейро шаҳрида ўтказилган XXXI ёзи Олимпия ўйинларида боксчиларимизнинг тажриба ва маҳоратига дунё тан берди. Улар мазкур нуфузли мусобақада 3 олтин, 2 кумуш, 2 бронза медални кўлга киритди.

Вазни 49 килограммгача бўлган чарм кўлқоп усталари ўртасидаги беллашуларда Ҳасанбой Дўсमतов Ўзбекистон спорт делегацияси ҳисобига дастлабки олтин медални келтирган эди. У ўзбек боксчилари орасида биринчи бўлиб Олимпиаданинг энг яхши боксчиси сифатида Вал Баркер кубоги билан тақдирланди.

Яқинда Халқаро ҳаваскор боксчилар ассоциацияси томонидан йилнинг энг яхши боксчисини аниқлаш мақсадида ўтказилган сўровномада ўзбек ўғлини Ҳасанбой Дўсमतов энг кўп овоз тўплаб, кубалик Робейси Рамирес ва қозғистонлик Дониёр Елеусиновни катта фарқ билан орта қолдирди.

Швейцариянинг Лозанна шаҳрида Халқаро ҳаваскор боксчилар ассоциацияси Ижроия кўмитаси йиғилиши ва AIBAnинг 70 йиллиги муносабати билан бўлиб ўтган тантанали маросимда Ҳасанбой Дўсमतовга 2016 йил якунларига кўра, "Йилнинг энг яхши боксчиси" соврини топширилди.

Ж. ТОШҲУЖАЕВ,
ЎЗА муҳбири



ФИНАНСОВЫЕ СРЕДСТВА ДЛЯ БИЗНЕС ИДЕИ!

Фонд поддержки экспорта Уэнацбанка
предлагает:

Кредитные линии	Минимальная/максимальная сумма кредита	Условия кредита
Кредитная линия Эксимбанка Кореи	От 100 тысяч долларов США	Закуп Корейского производственного оборудования. Срок кредита до 5 лет
Кредитная линия Государственного Банка Развития Китая	От 100 тысяч долларов США	Доля оборудования произведенного в Китае должна составлять не менее 50%. Срок кредита до 5 лет
Кредитная линия Коммерцбанка (Германия)	От 500 тысяч долларов США или 500 тысяч Евро	Закуп немецкого производственного оборудования. Срок кредита до 7 лет
Кредитная линия Международного банка реконструкции и развития	До 2-х миллионов долларов США	Кредит выдается для закупки оборудования по переработке плодовоовощей, создания теплиц, холодильников и других. Срок кредита до 5 лет

Контакты:
Уэнацбанк – (0 371) 235-17-02, 234-45-33
Фонд – (0 371) 244-35-29, 244-35-60



барчангизни янги – 2017 йил билан самимий муборакбод этади. Буюк ва муқаддас Ватанимизнинг янада гуллаб-яшнаши йўлидаги бунёдкорлик фаолиятингизда янгидан-янги зафарлар тилайди.

Тишимар давомида оқланган ишонч

0 (371) 200 95 95

agros.uz

БИЗНЕС ҒОЯНГИЗГА КРЕДИТ КЕРАКМИ?

Ўзмилийбанк Экспортга кўмак жамғармаси
таълиф қилади:

Кредит линияси	Мин/максимал кредит суммаси	Кредит шартлари
Корея Эксимбанкнинг кредит линияси	100 минг АҚШ долларидан бошлаб	Хомашёни қайта ишлаш учун Кореядан ускуналар харид қилишга. Кредит муддати: 5 йилгача
Хитой Давлат Тараққийёт Банкининг кредит линияси	100 минг АҚШ долларидан бошлаб	Хитойда ишлаб чиқарилган ускуналар улуши қамда 50%ни ташкил этиши лозим. Кредит муддати: 5 йилгача
Коммерцбанк кредит линияси (Германия)	500 минг АҚШ доллари ёки 500 минг Евродан бошлаб	Германияда ишлаб чиқарилган ускуналарни харид қилиш учун. Кредит муддати: 7 йилгача
Халқаро тикланиш ва тараққийёт банки кредит линияси	2 миллион АҚШ долларигача	Кредит мева-сабзавот маҳсулотларини қайта ишлаш, иссиқхона ҳамда музлаткич қуриш ва бошқаларга берилади. Кредит муддати: 5 йилгача

Биз сизга ҳамкор ва мададкоримиз!
Мурожат учун телефонлар:
Ўзмилийбанк – (0 371) 235-17-02, 234-45-33
Жамғарма – (0 371) 244-35-29, 244-35-60

Хизматлар лицензияланган 16-670

Хизматлар лицензияланган 16-534



MUASSIS:
TADBIRKORLAR VA
ISHBILARMONLAR
HARAKATI –
O‘ZBEKISTON
LIBERAL-
DEMOKRATIK
PARTIYASI

Бош муҳаррир: Норқобил ЖАЛИЛОВ

Таҳрир хайъати:

Содиқжон ТУРДИЕВ Кўжоянж САНАҚУЛОВ
Дилшод ШОУМАРОВ Тулқун ЭШНАЗАРОВ
Алишер СУЛТОНОВ Адам ШОДМОНОВ
Абдумажид КАРИМОВ Рауа КУШЕРБАЕВ
Алишер ШАЙХОВ Виктор ПАК
Икбол МИРЗО Бегмат ОЧИЛОВ

Таҳрират манзили:
Тошкент шаҳри,
Нукус кўчаси, 73А-уй.

электрон почта:
xxi.asr@gmail.uz

Телефонлар:
қабулхона – 215-63-80
(тел./факс).

Котибият – 281-40-17
Реклама ва шартнома-
лар бўлими – 215-60-45,
255-68-50

"XXI asr" ижтимоий-сиёсий газетаси Ўзбекистон
Матбуот ва ахборот агентлигида 2016 йил 8 апрелда
10-3648 А рақами билан қайта рўйхатдан ўтказилган.

"Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси
босмахонасида chop этилди.

Қорхона манзили:
Тошкент шаҳри, Вуюк Турон кўчаси, 41-уй.
Газета офсет усулида, А-2 форматда босилди.
Ҳажми – 5 босма табак.

Буюртма рақами: Г – 1266 Тираж: 8425
Баҳоси келишилган нархда.
ЎЗА якуни – 21:00
Топширилди – 02:30

Таҳриратга келган қўлималар таҳрир
қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.

©"XXI asr"дан олинган маълумотларда манба
сифатида газета номи кўрсатилиши шарт.

Муаллифлар фикри таҳрират нукта
назаридан фарқ қилиши мумкин.

Реклама материаллари учун таҳрират
жавобгар эмас.
Газета таҳрират компьютер марказида
теринди ҳамда дизайнер
Маъруфжон Раҳмонов
томонидан шрифтанган.

ISSN 2181-497X



НАШР КЎРСАТКИЧИ: 406
123 36

Навбатчи муҳаррирлар:
Б. ИСРОИЛОВ, Х. САТМОНОВ